Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

# O‘ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN’ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan
ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA
№ 34 (4589) 2020-yil 4-sentabr

**Бугунги шароитда бизнинг кўзимиз ҳам, қўлимиз ҳам, юрагимиз ҳам ботир бўлиши керак.**

*Шавкат МИРЗИЁЕВ*




# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ МАНЗИЛЛАРИ

*29 август куни Юртбошимиз давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги бунёдкорликлар билан танишганидан хабарингиз бор. Келинг, сўзимиз аввалида ана шу воқелик ҳақида бир оғиз тўхталиб ўтсак.*

Мамлакатимиз раҳбари биринчи бўлиб Тошкент метрополитенидаги Юнусобод йўналишининг “Бодомзор” бекатидан янги “Туркистон” бекатигача поездда бориб, ер ости музейини томоша қилди. Президентимиз: «Бу йўл ҳамма нарсани тезлаштиради. Ҳаракатни ҳам, иқтисодиётни ҳам, ҳаётни ҳам», дея ўз мамнунлигини ифода этди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Аҳмад Дониш кўчасида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бориб кўрди. Бу кўчанинг Амир Темур кўчасидан Тошкент ҳалқа автомобиль йўлигача бўлган 2,2 км қисми 6 қаторли қилиб қайта қурилди. 4 қаторли мавжуд йўл реконструкция қилинди. Пиёдалар ва велосипед йўлакчалари, майсазорлар ташкил этилди. Яқин-яқингача ушбу йўллардан икки автомобиль базўр ёнма-ён юрарди. Энди замонавий йўлсозлик намуналари асосида кенг ва равон, нурли йўл барпо бўлди!

Шу куни давлатимиз раҳбари ишга туширилган Тошкент ер усти ҳалқа метросининг биринчи босқичи якуни билан танишди, пойтахтнинг Фарғона йўли кўчасида амалга оширилаётган реконструкция ишларини кўрди ва ўз фикрларини билдирди, ўзига хос андозалар асосида тикланаётган кўп қаватли турар жойлар қурилиши объектида бўлиб, ундаги намунавий хонадонни кўздан кечирди. Шунингдек, Яшнобод туманидаги Технопаркка ташриф буюриб, маиший совутгичлар ишлаб чиқариш заводини очди...

Булар бир кунда элу юртга таништирилган, бир кунда ўзига хос “тақдимоти” ўтказилган бўлса-да, аслида ҳар бир ғиштига ҳафталаб, ойлаб минг-минг фидойи қурувчиларимизнинг меҳнати, ғайрати ва шижоати сингиганига шубҳа йўқ.

Президентимиз ташрифининг эртасига ўша манзиллар бўйлаб медиа-тур ташкил этилди. Унда халқимизнинг севимли ёзувчи ва шоирлари, таниқли журналистлар, жамоатчилик вакиллари, куни кеча Президентимиз фармонига кўра, ватанимизнинг юксак медаль ва орденлари билан тақдирланган юртдошларимиз иштирок этди.

Медиа-тур Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналишининг давоми бўлган икки бекат — “Юнусобод” ва “Туркистон” станцияларидан бошланди. Бунинг учун “Бодомзор” бекатидан ерости саройига тушдик.

Пойтахтимиз метро бекатларига азалдан сайёҳлар лолу ҳайрон бўлган, унинг жозибаси, теран ҳафсала билан иншо этилгани, мустаҳкамлиги халқимизнинг ички оламидан, тийнатидан ҳикоя қилади.

— Шубҳасиз, бу тарихий воқелик, — деди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, севимли ёзувчимиз Хуршид Дўстмуҳаммад. — Метро бекатлари ҳар куни ёки ҳар йили ҳам барпо этилавермайди. Шунинг учун ҳам унинг қурилиши бутун халқимиз диққатини тортади, “Метро қуриляпти!” деган гап тез шов-шув бўлади. Қолган турдаги бунёдкорликларни кўравериб, кўзимиз ўрганиб қолган. Чиндан ҳам, мана бу “Юнусобод” ва “Туркистон” бекатларини кўриб, кўнглимиз ёришди. Улардаги шарқона салобат, шарқона файзу тароват, ўзбекона шукуҳ ва ранг бизни мафтун қилди. Манзилига шундай бекатлар оша борган одамнинг йўл-йўлакай қалби ҳам кўркамлашади, янада гўзаллашади. Бекатларга қадам босарканмиз, худди янги даврга кириб бораётгандек ҳис қилдик ўзимизни...

Метронинг ер ости бекатларини кўргач, Тошкент шаҳрининг Аҳмад Дониш кўчасида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари гувоҳига айландик. Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг “Қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурдирган биноларга боқинг”, деган чуқур маъноли ҳикмати ёдимизга тушди. Дарҳақиқат, бу йўллардан бир юрган одамнинг такрор-такрор юргиси келади!

Илгари бу кўча ўртасидаги майдон бетон девор билан ўралгани боис йўл тордан тор эди. Йўлда бирор машина ногоҳ бузилиб тўхтаб қолса, асабий тирбандлик юзага келар, ҳайдовчилар учун ҳам, йўловчи учун ҳам машаққат ортарди. Метро қурилиши асносида бетон деворлар олиб ташланди ва улар ўрнида каттагина жой очилди.

►2

# САЛОМ — САОДАТИМ, САЛОМ — ҲУМО ҚУШ

*29 йил. Ўзбекистон бугун 29 ёшли забардаст баҳодир йигит бўлиб, афсоналар қаъридан чиқиб келганга ўхшайди. Бугун хаёлий орзу-умидлар реал воқеликка айланмоқда, Фарҳодлар тоғларни тешиб сувлар келтирмоқда, тупроғу тошларни ундек элаб темир йўллар ўтказмоқда. Ҳумо қуши ўзининг олмос қанотлари ила зулм занжирини узиб ташлади. Тоғларимиздан лолалар, боғларимиздан баҳор кетмас бўлди.*

*Ҳа, афсонанинг ҳақиқатга айланганига 29 йил тўлди.*

Ҳа, бу нурафшон кунларга биз тошлар ва тиканлар оралаб келганмиз. Бу ойдин тонгларга биз қоронғу зулматлараро миллат зиёлиларини борса қайтмас йўлларда қурбонлар бериб етиб келганмиз. Кишанларнинг мудҳиш шақир-шуқури, озодлик учун кечган жанглардан баҳодирсиз қайтган арғумоқлар кишнаши, орқадан урилган сотқин найзалардаги қон доғлари оралаб булбуллар чаҳ-чаҳ ураётган бугунги оқ тонгларга етиб келганмиз. 29 йилки, бу ёруғ тонгларда Ватан учун шаҳид кетган аждодларимизни ёд этиб, Қуръон тиловат қиламиз.

“Ватан фидойиларини эслашимиз, уларнинг ҳақига Қуръон ўқишимиз яхши анъана. Маърифатпарвар боболаримиз мустақиллик учун курашганини биламиз. Охирги йилларда бутун жамоатчилигимиз ҳаракати билан уларнинг номларини тиклаш, музейларни янги намуналар билан тўлдириш, ижод мактаблари ташкил этиш бўйича кўп ишлар қилинаяпти. Буларнинг ҳаммаси одамларга тарихий ҳақиқатни етказиш учун”, деди давлатимиз раҳбари байрам арафасида “Шаҳидлар хиёбони”да бўлиб ўтган маросимда.

Биз ўзбеклармиз. Ватанни севмоқ иймондан эканини англамоқ, ҳалоллик, поклик, виждон амри билан иш кўриш, саховатпешалик миллий тарбиямизнинг мезони ҳисобланади.

Медиатур иштирокчиси сифатида бир гуруҳ қалам аҳли билан Мустақиллик байрами арафасида очилган ҳамда қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган иншоотларни бориб кўриш ва ғурурланиш бахтига муяссар бўлдим. Юнусобод ер ости метро линиясининг янги барпо этилган муҳташам “Бодомзор”, “Юнусобод”, “Туркистон” бекатларида бўлдик. Бу бекатларнинг ҳар бири юксак ва мукаммал санъат асари десак, асло муболаға бўлмайди. Энг асосийси, бу мўъжизаларни ўзимизнинг истеъдодли йигитларимиз амалга ошираётганидан фахру ифтихор туйғусини туясан киши.

Юнусобод туманидаги Аҳмад Дониш кўчасида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини айтмайсизми! Шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшаётган янги даҳа ва жой номлари замонавий, бир-биридан чиройли: “Ассалом, соҳил”, “Гулсарой”, “Кўркамсарой” ва ҳоказо.

Байрам муносабати билан давлатимиз раҳбарининг халқимизга йўллаган табригида “Бошлаган ишларимиз ортга қайтмас тус олди”, дея таъкидлади. Дарҳақиқат, мамлакат миқёсида амалга оширилаётган юксалишларни кўриб, кўз ўнгингизга ўз ўзанини топган, олтин зарраларини олиб, айқириб оқаётган улкан дарё келади. Бу муаззам ва қудратли дарёни орқага қайтариб бўладими? Асло йўқ! Зеро, бу дарёнинг бошланиши ВАТАН деб ураётган юракларга туташгандир.

Айни кунда Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар эртанги фаровонлигимиз учун хизмат қилади. Яқинда Самарқандда бўлдим, фирдавсмонанд бу шаҳарда бунёдкорлик ишлари жадаллашгандан жадаллашмоқда.

►2

# КУТИЛМАГАН ТУҲФА ҚУВОНЧИ

*Инсон кутилмаган туҳфага эришса, қандай ҳолатга тушишини бошидан ўтказган одамгина ҳис қилади, деб ўйлайман. Чунки кўнглимдан қандай гап ўтган бўлса ҳам, фақат бундай эътирофга, “Халқ артисти” деган юксак унвонга сазовор бўлишимга ишонмагандим. Очиғи, Президентимизнинг, халқимизнинг бу ишончи мен учун чинакам туҳфа бўлди.*

Яна бир туҳфа Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан Кўксарой қароргоҳида ўтказилган байрам тадбирида иштирок этганимдир. Тадбирда Президентимизнинг маърузаларини тинглаб ўтирарканман, бутун дунёни хавфга солиб турган пандемия, Бухоро, Сардобадаги воқеалар ва яна қанча кўнгилсизликларга қарамай, юртимиз иқтисодини, маданияти, маърифатини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, чет эллар билан алоқалар борасида олиб борилаётган ишлар кўнглимдаги келажакка умид учқунларини алангага айлантирди. Кўксаройда янграган учинчи Ренессанс даврига айни пайтда пойдевор яратилаётгани ҳақидаги Юртбошимизнинг сўзлари бу умидни янада мустаҳкамлади.

Ижодий фаолиятим давомида жуда катта санъаткорларга, чет эллик улуғ актёрларга ҳавас қилганман, уларга ўхшашни хоҳлаганман. Лекин улардай бўлолмадим. Ўшандай буюклар олдида юксак унвонга арзимайман, деб ўйлардим. Демак, менга катта ишонч билдирилибди. Шу унвонни менга муносиб кўрганлардан, мухлисларимдан миннатдорман. “Илҳақ” бадиий фильми ижодкорлари қатори мукофотга сазовор бўлганим шу фильмда яратганим Она образининг эътирофи ҳам бўлди, деб ўйлайман.



Тўғри, театрда ишламаётганимга анча бўлди. Театр соҳаси ҳам спортдай бир гап. Шуғулланмасангиз жараёндан чиқиб кетасиз. Лекин телевидениеда ишлаб юрганимда “Опа-сингиллар” сериалида қайнона ролини ўйнаганимдан сўнг ўзимга ўзим: “Театрда ишламаётган бўлсам ҳам нега бу роль кўпчиликка маъқул бўлди?” деб савол бердим. Ўйлаб кўрсам, ҳамон театр оламидан чиқиб кетмаган, шу дунё ичида яшаётган эканман. Чунки “Пўртана” номли китобимни тайёрлаш жараёнида ҳам, тўртта телевизион бадиий фильм сценарийсини, “Театр” эссеимни ёзганимда ҳам хаёлимда театр бўлган. Сценарийларни ёза туриб, ундаги бош қаҳрамонлар қиёфасида ўзимни тасаввур қилганман, образлар шундай кўз олдимда намоён бўлган. Шу кунларда эса ўзим яхши кўрган бир асарни таржима қилишга тайёрланиб юрибман. Хуллас, ҳаёт ва хаёл оламим образлар билан банд. Ўзимга билдирилган ишончни оқлаш йўлида қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, барча мукофот соҳибларини, санъат мухлисларини, халқимизни Мустақиллик байрами билан қутлайман.

**Дилором КАРИМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ артисти**

ДИЛ СЎЗИ

# МАСЪУЛИЯТ, БУРЧ ВА ВАЗИФА

*Эслаб ўтилган бу шамол юртимизда узоқ вақт эсиб турди. Ниҳоят, деярли юз йилдан сўнг бу шамоллар ўрнига ҳақиқат шамоллари келди. Юртимизда, ҳамманинг хабари бор, ўтган йилнинг сўнгги кунларида Тошкентнинг “Самарқанд Дарвоза” маҳалласидаги Абдулла Қодирий яшаб ижод қилган ҳовлида Президентимиз ташаббуси билан адибнинг 125 йиллик таваллудига атаб музей қуриб битказилди.*

Савол туғилади: Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги кунида нега юз йиллик муддатни эсладик?

Чунки дунёга келган “Ўткан кунлар” китоби, уни дунёга келтирган адибнинг ўзи ўша кунлардаёқ нохуш шамолларнинг дастлабки забтига тўқинган эди...

У кунлар энди тарихда қолди.

Бугун адибнинг ёзган китоблари ўқувчиларнинг қўлида, унинг яшаб ижод қилган ҳовлиси эса тарихий-миллий қадрият мақомида халқимизнинг зиёратгоҳ жойларидан бири бўлиб қолди.

Адибнинг китоблари йил сайин минг-минглаб нусхада чоп этиляпти. Чунки “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Обид кетмон” асарларини ўқувчилар ҳали-ҳамон ҳаяжон билан ўқишяпти. Президентимиз айтганларидек, “Ўткан кунлар”ни саккиз марта ўқиган одам, албатта, тўққизинчи марта ўқийди. Чунки бу китобда ёзилган фазилатлар бизнинг тарихимиз, ҳаётимиз, турмушимиз, тақдиримиз.

Адиб Абдулла Қодирий ижодий меросини тўплаб нашр этиш, унинг ҳаёти ва ижодини тарғиб этиш йўлидаги



камтарин хизматларим юксак эътиборга лозим кўрилганидан бағоят миннатдорман. Бу мукофот фақат менга эмас, бу йўлда заҳматлар чекиб ўтган марҳум оталаримизга, боболаримизга берилган мукофот деб биламан. Бу унвон зиммамизга масъулият, янги вазифаларни юклаши табиий. Уларни адо этиш эса, барчамиз учун шараф.

**Хондамир ҚОДИРИЙ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТИ

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ – ТОҒДЕК ТАЯНЧИМИЗ

*Шуни ифтихор билан айтиш жоизки, сўнгги йилларда дунёга янгидан юз тутдик, давлат, халқ сифатида қайтадан очилдик. Ҳар бир соҳада бўлгани сингари мамлакатимиз маданияти ва санъатида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди.*

*Улкан қурилиш майдонига айланган юртимизда кўплаб янги-янги корхона ва турар жойлар, йўллар ва кўприклар, инфратузилма объектлари қаторида маданият ва санъат масканлари ҳам барпо этилмоқда.*



Пойтахтимизда шу йили фойдаланишга топширилган Ғалаба боғи, Адиблар хиёбони сингари муҳташам мажмуалар ҳам сўнгги йиллардаги ўзгаришларнинг ёрқин ифодасидир. Буларнинг барчасида мустақиллик руҳи, истиқлол берган имкониятлар бизга тоғдек таянч бўлмоқда. Қолаверса, бу ютуқлар ортида давлатимиз раҳбарининг маданият, санъат соҳасига янгича муносабати ётибди.

Агар соҳамизга тўхталадиган бўлсак, Мустақиллик барча ижодкорларни, жумладан, рассомларни ҳам маънавий уйғоқликка, ҳаётга янгича назар солишга ундади. Эришилаётган ютуқлар, меҳнаткаш халқимизнинг эзгу орзу-интилишларини тараннум этувчи асарлар яратишда илҳом манбаи бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида жаҳон миқёсида юзага келган коронавирус пандемияси барчамизнинг иродамизни жиддий синовдан ўтказганини таъкидлаб ўтди.

Аҳамиятлиси, кутилмаганда ҳаёт тарзимизни, бир маромда кетаётган жараёнларни ўзгартиришимизга тўғри келган мана шундай мураккаб вазиятда ҳам мамлакатимизда маданият, санъат соҳасига бўлган эътибор сусаймади. Аксинча, қийинчиликларга қарамай, шу йил 21 апрелда ўзбек рассомлари, ижодкорлари кўнглини тоғдек кўтарган Президентимизнинг "Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"-ги қарори қабул қилинди. Бу қарор Ўзбекистоннинг янги, очиқ ва инсонпарвар қиёфасини яратишда рассом-ижодкорлар ўрнини янада мустаҳкамлади. Бир сўз билан айтганда, санъат соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар таъсирини ҳар бир ижодкор юртдошимиз ўзи мисолида кўриб, сезиб турибди.

Сўнгги йилларда, айниқса, ҳайкалтарошларимиз ижодида жиддий ютуқлар кўзга ташланаётгани алоҳида эътирофга лойиқ. Мустақиллик мавзуси, миллий ўзига хослик йўлидаги изланишлар ўзбек ҳайкалтарошлари ижодида алоҳида хусусият сифатида акс эта бошлади. Соҳада янги авлод шаклланди. Адиблар хиёбони, Ғалаба боғида қад ростлаган ҳайкалларнинг аксарияти Жасвант Анназаров, Улуғбек Отаназаров, Баҳром Норбоев, Ўролбой Яхшиликов, Оллоберган Оллоберганов сингари ёш авлод вакиллари томонидан ишлангани фикримизнинг далилидир.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида Президентимиз фармонига мувофиқ етти нафар рассом, ижодкор ва соҳа мураббийи мукофотлангани соҳага бўлган эътибор, рағбатнинг ёрқин ифодаси, нур устига нур бўлди, десак муболаға эмас.

Юртимиз ҳусни жамоли кундан кунга ўзгариб, чирой очиб бораяпти. Ўзбекистонлик ижодкорлар Ватанимизда рўй бераётган ўзгаришларга, хайрли ишларга ҳиссаларини қўшиш учун келгусида ҳам ҳормай-толмай меҳнат қилишларига ишонаман.

**Акмал НУР,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси раиси**

*Мен истеъдодли ёзувчи билан истеъдодли спортчининг меҳнатида ўзига хос ўхшашликни кўраман. Уларнинг ҳар иккиси олдида бир хил вазифа туради: ўз Ватани байроғини жаҳон халқлари орасида баланд кўтариш.*

# ИМКОН ВА БАХТ



Фақат спортчи байроқни одамлар кўз ўнгида, ёзувчи эса уларнинг қалбида кўтаради. Айни пайтда ёзувчи ва спортчининг ўзига хос бу қутлуғ юмушида муайян фарқлар ҳам бор: спортчи қирққа борар-бормасдан аренани тарк этади, ёзувчи саксонда ҳам майдонда қолаверади. Бундан ташқари, спортчи қозонган рекордини нари борса икки-уч марта янгилаши мумкин, ёзувчи эса бутун умр – ҳар бир янги асари билан ўзининг аввалги ютуғини янгилаш имконига эга.

Бироқ ҳамма гап ана шу имконда. Бу имкон жуда кўп омилларга таянади. Лекин улар орасидаги энг муҳими, энг асосийси – эркинлик, ижод эркинлиги. Бизнинг XX аср ёзувчиларимиз учун советлар деган мунофиқлик ниқоби остига беркитилган мустамлакачилик шароитида ана шу эркинлик дарвозаси ёпиқ эди: нимани ёзиш кераклиги, ҳатто нимани ўқиш кераклиги Москвадан белгилаб бериларди. Мустақиллик туфайли ана шу мафкуравий диктатура қадам-бақадам сусайиб, эркин ижод қилиш имкони пайдо бўла бошлади. Айниқса, бу жараён 2016 йилнинг кузидан кескин тезлашди. Бугун ёзувчи ижод эркинлигига эга, бугун унинг тепасида туриб, истеъдодни бўғадиган кўрсатмалар, қарорлар йўқолган, сиёсий зўравонликка барҳам берилган; ёзувчи нафақат эркин ёзиш, балки ўз асарларини ўзи эркин чоп этиш имконига ҳам эга. У истаса ўз нашриётини тўғридан-тўғри, осонгина очиши мумкин, бунинг учун аввалгидек ҳукумат идораси эшигида лицензия оламан деб сарсон бўлиши шарт эмас, энди аввал нашриётини ишга тушириб, кейин бу ҳақда керакли ташкилотларга хабар бериб қўйса, бас. Бу бутун умр давлат нашриётларига муте бўлиб яшаган ўзбек ёзувчиси учун катта бахт.

Аммо бир "лекин"и бор. Ҳозирги кунда мавжуд воқелик берган эркинликка мос даражадаги ички эркинлик ёзувчиларимизда борми? Бор, лекин етарли эмас, қатъиятсизлик кучли. Шу сабабли биз сўз билан иш орасидаги узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган машъум фарқ йўқолиб бораётган бугунги кунда истеъдодимизни Конституциямиз ва қонунларимиз берган эркинлик призмасидан ўтказиб, дадил ижод қилишимиз керак. Ўшандагина буюк Ватанимизга мос буюк асарлар яратилади ва она юрт байроғини жаҳон халқлари қалбида дадил кўтара оламиз.

Мен азиз ватандошларимизни қутлуғ Мустақиллик байрами билан табриклар эканман, ҳар бир ёзувчимизга ўзининг ана шу улкан вазифасини муваффақиятли бажариши йўлида тилакдош бўлиб қоламан.

**Абдулла ШЕР**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ МАНЗИЛЛАРИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Аҳмад Дониш кўчасидаги ям-яшил дарахтлар сақлаб қолиниб, қўшимчасига икки мингга яқин манзарали дарахт кўчати экилгани таҳсинга сазовор. Мана шу лавҳаларни жонли тарзда кўриб турарқанман, қўнглимдан Юртбошимизнинг "Одамларимиз ҳам, меҳмонлар ҳам йўлга қараб давлатга баҳо беради. Йўллар яхши бўлса, халқимиз рози бўлади. Шунинг учун бундай сифатли йўлларни ҳудудларда ҳам қуриш, қишлоқ йўлларини ҳам ўзгартириш керак", дея айтган чуқур маънога эга сўзлари шууримда ярқ этди!

«Дўстлик-2» бекатидан «Қўйлиқ» бекатигача бўлган узунлиги 11 километрлик ер усти метросининг 7 та бекатига борарканмиз, поезд вагони ойнасидан пойтахти азим манзараларини, бугунги пандемия шароитида тошкентликлар ва меҳмонлар қандай ҳаракатланаётганини, равон йўлларда бир зум тинмаётган машиналар қатновини кафтдагидек кўриш имконига эга бўлдик. Ер усти метро бекатларида ва вагонлардаги ҳарорат ер остидагисидан фарқланса керак, деб ўйлагандик, йўқ, мутахассислар бу борада мувозанатни сақлашга эришибди!

2017 йилда бошланган бу улкан ишлар самарасини кўриб, халқимиз қудратини, давлатимиз салоҳиятини ҳис этдик. Қолаверса, қурилиш жараёнларини Президентимиз доим назорат қилиб тургани ҳам муваффақиятнинг бир қисми бўлгани муқаррар. Бекатдан бекатгача уч дақиқадан камроқ вақтда етиш мумкинлигини инобатга олсак, 11 километрга чўзилган етти бекатни ошиб ўтишимизга йигирма дақиқа ҳам кетмади. Узоқнинг яқин, оғирнинг енгил бўлгани шу-да!

Умумий қиймати 51,5 миллион АҚШ доллари бўлган Яшнобод туманидаги Технопаркда Жанубий Кореянинг "Samsung Electronics" компанияси технологияси ўрнатилганига гувоҳ бўлдик. Ускуналарни монтаж қилиш ва лойиҳани ишга туширишга ҳам кореялик мутахассислар жалб қилинган экан.

Завод павильонидаги ўта замонавий музлаткич эътиборимизни тортди. Унга "2021 йил" деб ёзилган экан. Демак, у келгуси йили чиқариладиган модель! Салобати, қулайликларини кўриб, очиғи, лол қолдик. Наҳотки, энди музлаткичларимиз ҳам "Wi-Fi" тизимида ишласа, "тилга кириб" камчиликларини соҳибига етказиб турса! Заводнинг нималарга қодирлигини ана шу маҳсулотига қараб ҳам англаш, илғаш мумкин!

— Бу улкан заводда чинакам янги Ўзбекистоннинг бўйини кўрдим, десам муболаға бўлмайди, — деди "Ёшлик" журнали бош муҳаррири Нурилла Чориев. — Халқимизнинг улкан салоҳияти — илғор технологияларни жорий этган ҳолда автоматлаштирилган замонавий жиҳозлар ишлаб чиқаришга киришаётгани фақат ва фақат ижобий ҳодисадир. Бир пайтлар бутун республикамиз қишлоқ хўжалиги майдонига айлантирилиб, кексаю ёшнинг куч-қуввати экин далаларида сўрилгани ҳақиқат... Бугун эса салоҳиятли ёшларимиз учун Президентимиз мана шундай бепоён корхонани ҳадя этмоқда.

Яшнобод туманидаги Фарғона йўли кўчасида, Қорасув канали бўйида қурилаётган "Ассалом, соҳил!" турар жой мажмуасига ҳам қадамимиз етди.

Катта қурилиш ошёнида баҳайбат, қудратли кранлар бир зум тинмаяпти. Тайёр плиталарни диққат билан жой-жойига қўйиб, қотириб чиқаётган қурувчиларнинг тартибли ҳаракатига ҳавасингиз келади. "Ғишт қолмади, цементдан қоринглар!", деган гап-сўзлар йўқ. 22 та кўп қаватли уй, 58 та коттеж қурилиш ишлари жадаллик билан давом этаяпти. Қолаверса, уй-жойга қўшимча барпо этиладиган мўъжаз сайилгоҳлар, яшил майдончалар, яшил ҳудуд, ўзига хос таълим муассасалари, соғломлаштириш мажмуалари, амфитеатр, кафе ва бизнес марказлар акс этган чизмалар эътиборимизни тортди. Демак, "Golden house" компанияси қурувчилари бунёд этаётган "Ассалом, соҳил!" турар жой мажмуаси тимсолида яқин келажакда Тошкент ичра янги замонавий шаҳар пайдо бўлади! Ахир, ўн эмас, юз эмас, нақ 3236 хонадон яшайдиган ҳудуд бўлади бу! Майдони 35 квадрат метрдан 120 квадрат метргача бўлган хонадонлар ипотека кредити асосида ҳам сотилади.

Хориж тажрибаси асосида қурилган енгил конструкцияли коттежлар ҳам ажойиб. Бу уйлар ўн кунда битказилиши билан эътиборимизни тортди. Бунинг устига, буюртма асосида бир неча хил шаклда қуриб берилар экан. Йиллаб уй солган, камига йиллаб таъмирлаган халқимиз учун бу ҳодиса эртакнинг ўзи-ку.

— Қарийб чорак аср давомида пойтахтимиз аҳолиси учун бундай арзон баланд қаватли уйлар мажмуаси қурилмаётган эди, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг Ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари, шоир Ботиржон Эргашев. — Бу одамларга кўплаб қийинчиликларни, саргардонликларни келтириб чиқараётганди. Ўз уй-жойига эга ёш оилалар янада мустаҳкам бўлади, гўдакларнинг кўзлари қувончга тўлади. Шундай улкан бунёдкорлик ишларига ҳисса қўшаётган ҳар бир қурувчига ташаккур!

"Ассалом, соҳил!" билан вақтинча хайрлашиб, медиа-турнинг сўнгги манзили — Тошкентнинг "Фарғона йўли" кўчасида амалга оширилаётган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари билан танишдик. Бу йўлнинг кечаги кунгача бўлган ҳолати "таъриф"ини эшитмаган ҳайдовчи бўлмаса керак. Бир-икки марта ўтсангиз, янги машинангизни ҳам шалдироқ аравага айлантириб қўярлик даражада ўнқир-чўнқир сўқмоқнинг ўзи эди. Хуллас, ҳамма зада эди. Шукрки, мазкур муаммо ҳам тез кунларда бартараф этилиб, машаққатлар тарихда қоладиган бўляпти.

Туркиянинг «Kalyon» ширкати билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган лойиҳага асосан, 8 қаторли янги автомобиль йўли қуриляпти! Унга қўшимча 2 қаторли мавжуд йўл реконструкция қилинади, энергия тежамкор ёритиш мосламалари ўрнатилиб, пиёдалар ва велосипед йўлакчалари, майсазорлар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Европанинг илғор мамлакатлари аҳолиси аллақачон фойдаланаётган йўллар лойиҳасини юртимизда жорий этиш фурсати келди. Шу йилнинг ноябрь ойида тўла фойдаланишга топширилиши кутилаётган мазкур йўл юртимиз йўлсозлари учун чинакам маҳорат дарсини ўтаб бериши шубҳасиз!

Медиа-тур тугади. Барча иштирокчилар олам-олам завқу шавқ, ҳаяжон билан уйига равона бўлди. Кун давомида бир зум бўлса-да, дунёда кечаётган пандемия таҳликасини унутгандек бўлдик. Бу қалбимиздаги эртанги кунга ишончнинг баланд эканидан далолат бўлса, ажаб эмас. Насиб қилса, "тожвирус" буткул ортда қолиб, кўнглимиздаги карахтликлар мутлақо тарқалгач, бу иншоотларни янада теран, янада равшан англаймиз. Унинг тарихий аҳамиятини, мамлакат истиқболидаги ўрнини тўла-тўкис тушунамиз!

Шундай бўлса-да, юртдошларимизни, айниқса, пойтахтимиз аҳолисини, меҳмонларини буюк бунёдкорликлар ҳосиласи — муаззам иморатлару гавҳар иншоотлар билан қутлаймиз! Имкониятлар, шароитлар, қулайликлар муборак бўлсин, азиз ватандошларим!

**Зоҳиджон ОЛОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

# САЛОМ — САОДАТИМ, САЛОМ — ҲУМО ҚУШ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Бу олим шаҳар, ориф шаҳар томонга бутун жаҳон интилмоқда. Ер юзининг сайқали бўлмиш Самарқанд инсон дунёга келиб кўриши керак бўлган мўъжизавий шаҳарлар рўйхатидан жой олган.

Донишмандлар: "Олам осмон қуёшидан нур олса, осмон Бухорои шарифдан нур олади" деганлар. Мафтункорликда, муаззамликда Бухорога тенг келадиган шаҳар йўқ. Дунё сайёҳларининг йўллари Хоразмга, Хивага бурилган. Улар фақат бу юртнинг жамолига маҳлиё эмас, улар эндиликда бу тупроқда Беруний, Хоразмий, Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд яшаганию оламга ақл берган академиялар илк шу масканда бунёд бўлганини яхши биладилар.

Йўлбарснинг товонидан тиканини олган оналарнинг болалари бўлмиш донишмандлар юрти Қорақалпоқда, инновацион ғоялари билан юлдузни бенарвон ураётган ёшлари, қалби Нурота ёғдуларидек илоҳий Навоий вилоятида олиб борилаётган бунёдкорликларга нима дейсиз?!

Бир қултум ҳавоси минг дардга дармон Зомини, олмаларининг муаттар ҳиди асрларни сафолатган Бахмали, томирларга уйғоқлик завқини солган Ойқорию Сангзори ва яна қанчадан-қанча мўъжизаларни бағрига яширган Жиззахда, тилими тилни ёрувчи қовунлари, бир пиёла шарбати бир лаҳзада танадаги ғуборларни ювиб юборувчи тарвузлари бор Сирдарёда олиб борилаётган бунёдкорликларни секинлатиб бўлмайди.

Ҳар куни битта замонавий завод ёки фабрика ишга тушаётган, кичик корхоналарию фирмалари дунё ишбилармонларини ҳайрону лол этган Тошкент вилояти, Хизр баракасини берган, ақл билан иш юритиш ва ҳалолликда дунё тадбиркорларининг ишончли ҳамкорига айланган Наманган, оламнинг манаман деган ақлмирзоларига дарс бераётган иқтидорлилар маскани Андижон, сўзида оҳанрабоси бор латифлар, тупроқдан афсона яратаётган кулоллар, фасли баҳорни атласларига жойлаган ҳунармандлар гулшани Фарғонага томон йўлга чиққан карвонларни ҳеч бир куч тўхтата олмайди.

Авлиёлар кўзга суртган табаррук Она, оламни тинчликка чорлаётган, дунё фозилларини бағрида бирлаштириб машваратлар ўтказаётган дониш шаҳар, олий ўқув юртларида, улкан кутубхоналарида ақлларни нурлантираётган, янги-янги биноларида бетакрорлик салтанати, масжидларидан таралаётган маънавият ёғдулари жумла жаҳонга ёруғлик сочаётган азим Тошкентда амалга оширилаётган ишларни тўхтатиб бўлмайди, орқага қайтариб бўлмайди. Шукр, минг бор шукр! Энди бу ишларимиз ортга қайтмас тус олган.

**Тошларни эритган баёт меники,**
**Авлиёзот менинг, нурзот меники,**
**Занжирни синдирган қанот меники,**
**Мустақилман — учиб юрибман.**
**Орқага — қоронғу хосга қайтмасман,**
**Дорларга — ул сўнгги нафасга қайтмасман,**
**Қафасга қайтмасман, қафасга қайтмасман,**
**Мустақилман — учиб юрибман.**

**Зулфия МЎМИНОВА**

*Яқиндагина Тошкент метросининг истиқбол режалари билан танишгандик. Унга кўра, 2025 йилга бориб Тошкент метрополитени 4 баробар катталашади ва пойтахт ер ости темир йўлларининг умумий узунлиги 157 километрни ташкил қилади. Шарқ меъморчилиги услубида 14 та янги ер ости саройи қурилади, бир метро йўналишидан бошқасига ўтиш имконияти пайдо бўлади.*

*Истиқлол байрами арафасида Тошкент шаҳрида қуриб фойдаланишга топширилган янги метро йўналишларида саёҳат қилдик.*

# ЗАМОНАВИЙ БЕКАТЛАРДА ЎТМИШ ВА БУГУН

Юртимизда ер усти метросининг яратилиши янгилик. Бироқ замон ўзгарган сари биз одамлар ҳам ўзгарамиз. Пайдар-пай қурилаётган иншоотлар, қад ростлаётган турар жойлар, қулай йўлларга кўзларимиз кўникибди. Метродан фойдаланиш учун тушаётган йўловчилар орасида кекса ёшдаги юртдошларимиз ҳам талайгина. Улар ҳеч қийинчиликсиз бу қулайликлардан фойдаланмоқдалар. «Дўстлик-2» бекатидан «Қўйлиқ» бекатигача бўлган йўналиш узунлиги 11 километр бўлиб, еттита бекат барпо этилган. Биринчи бекатдан охиргисига атиги 19 дақиқада етиб олиш мумкин. Ушбу йўналиш кунига 46 минг йўловчига хизмат кўрсата олади.

Бу янги йўлларни бир айланиб томоша қилиш учун чиққан йўловчилар ҳам кўп. Улардан бири ёнимизда ўтириб ташқарини томоша қилиб завқланар, ўриндиқларни ушлаб кўрар, одамларга яратилган шароитлардан мамнунлигини таъкидлар эди. Тасодифан у киши билан танишиб, суҳбатлашиб қолдик. Исми Маҳмуд ака экан. У киши дам метро поездига, дам ташқарига қараб, шукроналик билан: "Қандай яхши бўлди-я. Бунча одамни қандай қилиб автобусларда ташиш мумкин? Мен шу йўлларни кўриб айланиб келай деб атайин пиёда чиқдим", деди завқи тошиб.

Метро қурилиши муҳандислари, қурувчи жамоалар бошлиқлари билан суҳбатлашдик. Барчасининг кўзида ўз ишларидан, одамлар учун қулайлик яратишда иштирок этганидан мамнунлик. Қурилишни қандай битирганлари, қандай безаганлари борасида тўлқинланиб гапирадилар.

Янги метро бекатларини қуришда миллийликка урғу берилгани, "Туркистон" бекати ён деворларига меъморий обидалар, тарихий ёдгорликлар, қадим қадамжолар тасвирлари ўрнатилгани кўнглимизда ғурур ҳисларини уйғотди.

Бу бекатда одам ўзини қадим ва сирли замонларга тушгандек ҳис этади. Жумладан, бир лавҳада усталар қадим саройлар, жамоат ва турар жой биноларини моҳирлик билан гавдалантирганлар. Яна бир лавҳада эса Помир тоғ тизмалари, унга ёндош Тожикистон Миллий боғи тасвирланган. Туркманистон диёридан кўҳна Урганчнинг маҳобатли миноралари, мустаҳкам иморатлар тасвири, шунингдек, Туркманистоннинг қадимий шаҳарлари Нисо ва Марв ҳамда Марғиёна тасвирлари кишини чуқур ўйга толдиради. Бекатнинг бошқа тарафи эса Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий обидалар тасвирига бағишланган.

Қадим Фарғонанинг Қўқон ўрдаси тасвири ёнида қўлида қадимий китобларга асос бўлган "Самовий ҳаракатлар" қўлёзмасини тутган Фарғоний ҳайкали. Яна бир ўринда эса Бухоронинг Пойкент, Варахша шаҳарлари, Чашмаи Айюб булоғи, Минораи Калон, Мағоки Аттор масжиди тасвирлари уйғунлаштирилган.

Чиндан ҳам йўллар – манзиллардан манзилларга элтгувчи қадимий восита. Юртимиздаги ислоҳотлар амал топмоғи учун куч сарфлаш, уларнинг амалга ошмоғи учун интилиш аслида ҳаммамизнинг бурчимиз.

**Маъмура ЗОҲИДОВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

# ХУШХАБАР АЙТ, ВАТАНДОШ

Муҳтарама УЛУҒОВА



### МЕҲР

Гуллардан ҳол-аҳвол сўрдингми,
Ҳар рангда бир ҳикмат кўрдингми?
Кафтингга ўхшайди барглари,
Артдингми, йўқми гард, дардлари?
Қалбингга етдими ифори?
Сездингми ер меҳрин, изҳорин?

### ТИЛАК

Мисоли қирдаги қизғалдоқ
Титраниб турибман омонат...
Чумоли йўлин ҳам бузмайман.

Юзларим нур бўлса!.. Қалбимга –
Тўр ташлар нафсу кин, хиёнат...
Қоғозга ҳам соя чизмайман.

Мен – суюк банда, ҳар заррада –
Фазлидан мўъжиза, каромат.
Ҳар жондан фазилат излайман.

Тилагим – даргоҳи олийда –
Хешларим энг олий жамоат.
Тупроқни ҳам энди сизлайман.

### НАФС ЗАВОЛИДА КАМОЛИНГ

Агар илкингда мисқол ҳадду ҳолинг бор,
Агар кафтингда тишлам нон – ҳалолинг бор,
Агар бир "оҳ" қадар нафъи шамолинг бор
Ва гар, ҳеч йўқса, измингда хаёлинг бор:
Кишини баҳраманд этмоқни одат қил,
Саодатманд этмоқни саодат бил.
Саховат боғига айлан – шукри роҳат қил,
Демишлар: "Нафс заволида камолинг бор".

### СЎЗГА БОҚДИНГ

Сўзга боқдинг: ким яхши, ким ёмон бўлди,
Кимга меҳринг, кимга қаҳринг уммон бўлди.
Қошингда ким мазлуму ким султон бўлди
Ва оқибат ким ўнг, ким чап томон бўлди.
Сўзга боқдинг, диллар билан диллашмоққа
Фурсат, тоқат топмадинг, кў-ўп замон бўлди...
Турланди сўз қулоғингда эриб сенинг,
Ким билар, ким қалбан Аллоҳ томон бўлди?..

### НИЯТ

Тилаганим кун-тун – тозармоқ,
Меҳрибоннинг марҳамати кенг.
Гарчи ул бахт остонаси – тоғ,
Бир кун сени енгадурман, "мен".

Ўзни, дўстни, ростни алдамоқ...
Шайтоннинг жин кўчасиям кенг...
Бундай қалбни қиларману оқ,
Албат, сени енгадурман, "мен".
Бас, зоҳирда топ-тоза бўлмоқ,
Лек ботинда шаккокликка эн.
Бас, очиқ кўз билан минг ўлмоқ,
Бир кун сени енгадурман, "мен".
Умидворман, муборак чақмоқ –
Руҳим айлаб мангуликка тенг,
Ширин жонни қиладур тупроқ,
Албат, сени енгадурман, "мен".

### АСЛИ...

"Қаҳр – бўрон, юзимизга юздан ўтди".
"Жола – нолон, кўзимизга кўздан ўтди".
"Тиғ – беомон, сўзимизга сўздан ўтди".
"Туздан, бўздан, ҳисдан,
ўғил-қиздан ўтди..." –
Ёришмас дил гар сабаблар юздан ўтди.
Асли, хато аввал ўзимиздан ўтди.

### КУНЛАР

"Соғиндим, кўргим келар,
иш – иш-да, оворамиз...
Тўйиб-тўйиб диллашсак
бўлса фурсат, чорамиз...
Бу ҳафта... келгуси ой...
учрашамиз... борамиз..." –
Шундай кун ора симлар орқали
дил ёрамиз.
Меҳрга тўймоқ учун,
Бахтиёр бўлмоқ учун,
Ҳозир насиб онларни
Савобга кўммоқ учун –
Куёшданам олисдай
иккимизнинг орамиз...

### ТОНГДА

Қувончингни айт менга,
Дилда, қўлда ганжингни.
Истасанг, нукра шодлик
Тўсар тоғдек ранжингни.
Шубҳаланма мавқеим,
Сипо, одми эгнимдан,
Жумбоқ туюлса агар
Сўзларимдан, феълимдан.
Хушхабар айт, ватандош,
Нурларга чулғонаман,
"Бир шодлигинг минг бўлсин",
Дея дуо қиламан.

### АЖАБ?..

Битта манзил (эртами, кечми) –
Ҳаммамизнинг борар жойимиз.
Фақат у чин дунёдан умид,
Нажотталабликда қойиммиз.

Қадримизни не кўйга солган
Бу дунёнинг айшу фароғи –
Қолаверар ортда сочилиб,
Бамисоли кузак япроғи.

"Ёруғ юз эт у чин очунда,
Сақла, дейсан, журму гуноҳдан..."
Аммо нечун турланасан, қалб?!
Ахир, нажот ёлғиз Аллоҳдан.

### ҲАҚ ЙЎЛДА БЎЛ

Ўзи излаб келмас тахт,
Ортингдан елмас омад.
Отдан тушмай ўтар вақт,
Ҳақ йўлда бўл, тила бахт.
Шифо улаш тилингдан,
Саховат ёғсин қўлингдан,
Эзгу дуо – дилингдан,
Шукри Аллоҳ тилингда, –
Иншааллоҳ, кўзингда
Қувончларинг дарёдир.
Иншааллоҳ, кўксингда
Жаннатмонанд маъводир.

Шукур ДАДАШ



# ТЕНГИ ЙЎҚ ДИЁРИМ...

### БУЛУТ

Забт этмоқ қасдида мовий осмонни
Булут парда тортиб тўсди қуёшни.
Бемор томирида қайнади қони,
Ким сўради Ҳақдан сабр-бардошни.

Азизам, қилмайман бунга кўп парво,
Бу ташвиш лаҳзада бўлади унут.
Мангу зулмат қоплар дилимни, аммо
Гўзал қабоғингга қўнса гар булут.

### БУРЧ

Ярим тунда ота уйғониб кетди,
Кўксини ғижимлаб, силади аста.
Сассиз тортган оҳи фалакка етди,
Юрак шердек ҳуруж қилар қафасда.

Оғриқдан кўзига тор бўлди дунё,
Хаёлини босди турли ваҳима.
Бу тун сўнгги тундек туюлди гўё,
Аллоҳга келтирди тавба, калима.

Кўзида ёш, этди Ҳаққа илтижо:
– Кун яқин, уйланар кенжа ўғлоним.
Оталик бурчини этайин бажо,
Майли, сўнгра олгин бу ширин жоним.

### ЖАВОБ

*Ҳазил*

Ҳовлида тантана, барча жамулжам,
Хонаида, суратқаш, ҳатто шоир ҳам.

Ботирхон бобомиз табаррук ёшда,
На юзда ажин бор, на қиров қошда.

Бобога юзланиб ёш мухбир бийрон,
Аста савол берди: "Айтинг, отахон,

Юз ёшга киришда бор қандай асрор?
Бу ҳикмат ёшларга доридай даркор".

Отахон ўйланмай, юзда табассум,
Сўзлади жавобин куттирмай бир зум:

"Мухбир болам, айтсам ростини сизга,
Аввал етмоқ керак тўқсон тўққизга!"

### ТЎРТЛИКЛАР

Тенги йўқ диёрсан, қутлуғ маконим,
Ризқ-рўзи туганмас ёруғ бўстоним.
Сенга фидо айлай десам бу жоним,
Жоним ўзингсан-ку, Ўзбекистоним.

* * *

Адолат чўкмайди, ўтда ҳам ёнмас,
Асрларга кўчар, кўзлар йироқни.
Банда минг уринсин ўчира олмас
Яратганнинг ўзи ёққан чироқни.

* * *

Тақдир қазосидан қолмайди омон
Бу фоний дунёда яхшию ёмон.
Бу сирни билсак-да, бўламиз ҳамон:
Биримиз камону биримиз нишон.

* * *

Атиргул, булбулга қилмайман ҳавас,
Рўшнолик кўрмаган бир зум, бир нафас.
Бири чиройи деб тушса гулдонга,
Бирига насиба олтиндан қафас.

ҲИКОЯ

Рисолат ҲАЙДАРОВА

# КЎЗОЙНАК



Кун кўнгилсизлик билан бошланди. Кўзойнаги синиб қолди. Гардиш ва қулоқ ортига ўтадиган бандни бир-бирига улаб турадиган, митти мурватча жойлашган темир "қулоқча" узилиб тушди. Аслида унинг бу матоҳи алмисоқдан қолган эди. Қизи кўпинча аччиқланиб: "Йўқотсангиз-чи шуни, – дерди. – Ҳеч ўзингизга қарамайсиз-а? Ўзим бошқасини танлаб берақолайми сизга?"

"Ўзига қараш" деган ҳаракатми ёки шунга ўхшаш бир нарсага тузукроқ кўзойнак танлаш ҳам кирарди. Лекин у шу чоққача бу матоҳнинг ярашиғини учратмаганди. Назарида уларнинг бари бесўнақай, унинг юзида эса жуда ўхшовсиз кўринарди. Йўқса, у кўзойнак ярашган, ҳатто ўзгача чирой, салобат ва кўрк берган кўп кишиларни биларди. "Демак, менинг юзим... Йўғ-э... Кўзойнакдан омадим чопмаган, холос", – дея ўзини ўзи юпатиб қўярди баъзан.

Шу боис у ўн йилдан бери кўзойнак тақмас, контакт линзадан фойдаланадиган бўлган, кўзойнаги эса ҳар эҳтимолга қарши жавонда, ғилоф ичида турадиган эҳтиёт чорасига айланган, эҳтиёт чора аталмиш нарса учун эса бош қотиришни, мўмай пул сарфлашни истамаётган эди. Икки ҳафтадан бери боши шамоллашдан чиқмагани учун линза тақмасди (ҳар тўкисда бир айб бор экан-да, линза қанча қулай бўлмасин, шамоллаганда, кўз оғриганда тақиш мумкин эмас эди), куни шу жигарранг гардишли, ойнаги қалин кўзойнакка қолган эди.

Кўзойнак унга болалигидан ҳамроҳ. Саккиз ёшларда эди, ўқитувчи: "Болангиз синф тахтасига ёзганларимни кўра олмай қийналяпти", дея ўзича танбеҳ берганди. Шу куниёқ онаси уни кўз шифокорига олиб бориб, бир парча қоғоз ёздириб келган, ойнали узун пештахталарига турли гардишли кўзойнаклар териб қўйилган дўконга кириб, пушти гардишли кўзойнак сотиб олиб берган эди.

Ўзининг кўзойнакни тақиб деворга илиқлик кўзгуга қарагани ҳали-ҳамон эсида.

Ўзига пушти гардиш тагидан боқиб турган сариқ сочли қизчани кўриб юраги увишди. Телевизорда кўрган аллақайси бир фильмни эслади. Шунда кўзойнак таққан малла аълочи ялмоғиз кампирнинг сеҳрини енгиб, вақтни орқага сурган, жоду билан тошбақаларга айлантириб қўйилган ялқов синфдошларини қутқарган эди. Йўқ, кўзойнакли аълочиларни қанча мақташмасин, бунақанги истиқбол унга маъқул эмасди. Беихтиёр йиғлаб юборди.

– Ие, бу кўзёши нимаси? – сотувчи амаки астойдил ҳайрон бўлди. – Ёқмадими? Энг чиройлисини танлаб бердик-ку!

Онаси қовоғини солди: "Эркалик қиляпти".

Йўқ, у эркалик қилмаган, кўзгудаги аксини ёқтирмаган эди, холос.

Онаси бурчакда шаффоф ойна билан ўралган тор хоначада ўтирган бақалоқ хотинга пул тўлади-да, эвазига ўша хотин қўпол темир машинасидан шиғиллатиб чиқариб берган бир парча қоғозни олиб, ҳамёнига тиқди. Кейин қизчасини олдига солиб оптикадан чиқиб кетди.

Эртасига у онаси билан биргаликда қилган харидининг дастлабки мевасини терди: "Тўрткўз, тўрткўз!"

Аламидан рўпарасида ишшайган қоп-қора башарачага шапалоқ туширди. Башарача ўшшайди. Кейин кўзойнаги аралаш тушган муштдан кўз олди қорайди. Йиқилаётиб елкаси нимагадир урилди. Оғриқ кучидан чинқириб юборди. Шу онда кимдир синф хонасига югуриб кирди. Кўз олдини қоплаган қоронғилик аралаш муаллиманинг хавотирли овозини эшитди:

– Вой, худо, бирпасга ҳам қолдириб бўлмайди-я! Нима қилдиларинг?

Синфдошлари чувиллашди:

– Акмал, Акмал урди!

– Аввал ўзи урди! – қичқирди болакай.

Синфдош қизчалар эса бири олиб-бири қўйиб бидирлашди:

– У "Тўрткўз" деб масхара қилди!

– Энди бунинг ойисига нима дейман, а? Нега масхара қиласан? Нега урасан?

...Шу куни синган кўзойнакни кўрган онасининг қанчалик жиғибийрони чиққанига қараб тушундики, кўзойнак шунчаки буюм эмас экан. У ҳамёнга тушадиган қўшимча юк, елкага келадиган ортиқча ташвиш экан. Отасининг қовоқ солиб чўнтак титкилаганидан англадики, масхара қилган синфдошининг адабини бериш доим ҳам яхшилик келтиравермас экан.

Эртаси мактабга бошқа бир кўзойнак тақиб борди. Буниси қалин кўкимтир гардишли бир матоҳ эди. Баттар хўрлиги келди.

Синфдошлари энди очиқдан-очиқ масхаралашни бас қилишди. Лекин унинг миттигина кўнгли кирланиб улгурган эди. Шу кундан эътиборан синфдош дугоналаридан ажратиб турадиган алоҳида битта чизгига эга бўлди.

Баъзида дарс пайти, қаншарида оғриқ сезилган пайт кўзойнагини ечиб қўярди. Шунда атроф хиралашиб, ноаниқ бир парда ортида қолгандай бўларди. Рўпарасида турган ўқитувчининг юзи чизгилардан айрилиб, теп-текис, буғдойранг, япалоқ бир баркашга айланарди. Қизча кўзларини қисиб қараганда эса муаллиманинг бурни қирра эканлиги, кўзлари қисиқ, бақбақалари осилиб тушганлиги аён бўларди. Бу жуда ғалати эди.

Оқшом чоғи одатдагича кўрпасидан бошини чиқариб, айвонда ўтирган ота-онасининг гангир-гунгурига қулоқ солиб ётаркан, кўзи илинаётиб, онаси айтган биттагина сўзни англаб қолди: "Кўзойнак..." Шу ондаёқ кўзлари очилиб кетди: "Нима дейишяпти?"

Отаси аччиқланди шекилли, зардали товушда деди: "Ҳе, ўргилдим, ўша..."

Эрталаб отаси унга кўзойнагини тақдириб кўрди.

– Чаккангни қисмаяптими?

Қизча бош чайқади: "Йўқ".

– Бурнинг-чи? Бурнингни қисмаяптими?

– Йўқ...

– Кўзингни оғритмаяптими?

– Йўқ.

– Бошингни айлантирмаяптими?

Қизча яна бош чайқади.

Отаси пешонасини қашиди. Кейин қизининг сочини силаб қўйди: "Майли, боравер".

Ота-онасининг муҳокамаси нима билан тугади, билолмади. Келаси ой бошида эса отасининг ўзи уни шаҳарнинг нариги четидаги клиникага етаклаб борди.

Малласоч аёл уни баланд суянчиқли курсига ўтқазиб, кўзларига дурбинсифат асбобни теккизди-да, жим ўтираверди. Қизчанинг кўзларида оғриқ турди.

– Қимирлама, – буюрди аёл. – Тўғрига қараб тур. Манави липиллаётган чироқчани кўряпсанми?

– Ҳм...

– Шунга қара. Кипригингни пирпиратма!

Асбоб ғалати тарзда ғўнғиллай бошлади. Сал ўтмай, тинчлик чўкди.

Аёл ўгирилиб, ўрисчасига бир нималар деди. Отаси жимгина эшитди. Кейин дўхтир ёзиб берган шапалоқдай қоғозни олиб чўнтагига солди.

Йўқ, унга янги кўзойнак олиб беришмади, "ўшаниси дуруст экан", дейишди, лекин онаси анчагача қизининг кўзларига ҳар хил дориларни томизиб турди.

Шу-шу ҳар баҳор ва кузда кўзларига ҳар хил томчи дорилар томизиш, вақти-вақти билан кўз дўхтирларига учраб, ҳар хил, катта-кичик ҳарфларни овоз чиқариб ўқиб бериш, йилига бир-икки марта кўзойнак янгилаш одат бўлди.

Ота-онаси ҳам бунга кўникди, отаси "Шаҳнозанинг кўзойнагига" деб алоҳида пул ажратадиган бўлди. Шунда тушундики, кўзойнак ота-онасининг оладиган маошини ҳам ўзича режага солар экан, кўзойнак ортидан оилада бутун бир одатлар шаклланар экан. Буларнинг бари қизча учун кутилмаган яна бир кашфиёт эди.

Ёши улғайган сари кўзойнак баҳона яна бир турли кашфларга дуч келди.

Саккизинчи синфда ўқирди. Алгебра дарси эди. Олдига, шундоққина очиқ дафтари устига қоғоз қушча келиб қўнди. Орқа партадаги Фарҳод кўпинча, айниқса, назорат иши ёзганларида мисолларни кўчириб олишни сўраб унга шунақа усулда хатлар жўнатиб турарди. Қиз қушчани қўлига олар-олмас ёнида ўтирган партадоши шивирлади:

– Сенга эмас, тегма!

– Кимга?

– Бу Нилуфарга аталган! Сенга адашиб тушди. Орқага узатиб юбор!

Қушчани елкаси оша орқа партага ташлади-да, Нилуфарга ўгирилиб қараб қўйди. Узун қора соч ўримини кўксига ташлаб олган Нилуфар қизаринқираганча қушчани дафтари тагига яшириб олди.

"Вой-бўй!" – ўйлади Шаҳноза. Тушундики, Фарҳоди тушмагур мисол ечишга қийналганда унга, бошқа кунларда эса Нилуфарга қушча йўлларкан. Негадир кулгиси қистади. Болалигида кўрган ўша фильмдаги кўзойнакли аълочига айланибди-да! Бошларига ташвиш тушгандагина уни эслашади, бошқа пайт эса хатлар чиройли қизларга аталади...

Кечқурун телевизор кўриб ўтирган онасидан сўради:

– Ойи, нега кўзойнак таққанларни ёқтиришмайди?

Онасининг ҳайрон қараб турганини кўриб, изоҳ берди:

– Мана, сиз кўраётган шу кинода ҳам директор хунук хотин, кўзойнак тақади, унга ҳеч ким уйланишни хоҳламаган. Ўзи ҳамма киноларда шунақа: хунук қизлар, лапашанг йигитлар, албатта, кўзойнак тақади.

Онаси кулиб юборди:

– Киночиларнинг ақли шунақа бўлса, нима қилайлик?

Қиз шунда англадики, кўзойнак одамларнинг тушунчаси даражасини кўрсатувчи мезон вазифасини ҳам ўтар экан. Кўзойнак шу маънода фикрлаш тарзининг қай даражада кенг ёки бирон-бир қолип доирасида эканлигини кўрсатиб турадиган кўзгу. Шу маънода кўзойнак тақишни фазилат ёки иллат деб билиш ҳам чекланганлик белгиси.

– Сен шунинг учун кўзойнагингни тақмай қўйдингми? – дея ўсмоқчилади онаси. Кетидан қўшимча қилиб қўйди. – Онанг индамаса, билмас экан, деб ўйлама. Уйда тақиб юрасан-да, остонадан уч қадам узоқлашдинг, ечиб чўнтакка соласан, а?

Қиз довдираб қолди.

– Дарсда тақиб ўтирибман-ку... – эътироз қилган бўлди бўшашиб.

– Дарснинг ўзида тақиб ўтирганингдан нима фойда? Ойнакларинг йил сайин қалинлашиб боряпти, сезяпсанми? Ойнак қанча қалин бўлса, гардиши шунча қўпол бўлади, юзинг шунчалик хунук кўринади. Шу оддий ҳақиқатни тушунасанми?

Онаси "гап тамом" деган каби телевизорга қаради. Салдан кейин ўз-ўзига гапирган каби деди:

– Кўзойнак, аввало, соғлиғинг учун керак. Неча марта айтаман сенга?

Ҳа, онаси неча марта айтган? Сон-саноқсиз марта. Фақат... фақат кўзгу сон-саноқсиз марта бошқа бир манзарани намойиш этаверарди: думалоққина юзда қўнқайиб турган гардишли иккита ойнак. Ойнак ортида эса кичрайтириб кўрсатувчи шиша шарофати билан биткўзга айланиб қолган, корачиқлари қўнғир бир жуфт кўз, икки гардиш орасидан чиқиб турган бурун...

Кейинроқ, ёши улғайганда қайсидир бир илмий мақолада ўқиди: "Одамнинг кўнглидаги қисиниш туйғуси ўз-ўзига ишончсизлик ортидан келиб чиқади". Англадики, унинг кўзойнак билан боғлиқ муаммоларининг калити шунда.

– Бўлмаган гап, – деди эри. – Сен жуда ҳам қисиниб-қимтиниб ўтирадиганлардан эмассан. Бўлмаса, эркакча касбнинг этагини тутмас эдинг.

– Кўзойнак тақишга тортинганим-чи?

– Бе! Бу ўсмирликдаги ҳиссиёт, ҳар жиҳатдан тўкисликка интилишдан бошқа нарса эмас.

Аёл енгил нафас олди.

– Масалан, мен сенинг кўзойнагингга ҳам қараб ўтирмаганман, – дея қўшимча қилди эри.

Рост, эри – унинг кўзойнак тақишига парво қилмаган ягона йигит. Лекин... лекин иккови биринчи бор бир-бирига дуч келганда Шаҳноза кўзойнаксиз эди. "Ҳамма гап шунда-да, – деб кулганди аёл бир куни. – Юрагингиз жазиллаб бўлгандан кейин кўзойнагим парвонгизга келармиди?" Эри бунга жавобан хахолаб юборганди.

...Ўшанда Наврўз куни, университет ҳовлиси тўлиб-тошган, унинг эса яна эски ташвиши қўзиган – кўзойнаги синган эди. Шу ҳолича ҳам туртина-суртина бир-иккита юмушларга уринди. Охири ўчиб қолган магнитоланинг пластинкасини алмаштира бошлади. Стол устида, мўъжазгина овоз кучайтирувчи ускуна ёнида бир уюм пластинкалар ётарди. Қиз каттагина пластинка жойланган ҳаво ранг ғилофни қўлига олди. Ёзуви кўринмаганидан кўзларига яқин келтириб ўқий бошлади. Шу чоғ кимдир рўпарасига келиб тўхтаганини сезиб, бошини кўтарди. Кўтардию ўзига қараб турган қушбурун, шалпангқулоқ бир йигитни кўрди. Йигит кутилмаганда илжайди. "Вой, тавба, – ўйлади қиз, – ўзидан-ўзи нимага иршаяди бу?"

Шу асно ўзи ҳам жилмая бошлаганини сездию кафти билан оғзини тўсди...

Биринчи кўришувлари шунақа бўлган эди...

–... Кўзойнак одамнинг кўриш қобилиятини ҳар хил таъсирлардан ҳимоялайдиган восита, холос, – дея сўзини якунлади эри.

Шаҳноза эрига қараб кулиб қўйди. "Нима қилса ҳам файласуф-да!"

Лекин эрининг сўзлари аёлнинг кўзойнак борасидаги қарашларини кўп ҳам ўзгартира олмади. "Кўзойнакни контакт линзага алмаштираман, – деди бир куни. – Линза қулайроқ". Кейин эрининг мушоҳадаларига тақлидан қўшиб қўйди: "Кўзойнак кўриш доирасини чеклаб қўяди".

Эри елка қисиб қўя қолди. Бу "билганингни қил", дегани эди. Аёл хурсанд бўлиб, ишхонаси ёнидаги салонга кирди. Кўрдики, линза ҳам кўзойнак каби шунчаки буюм эмас, эрининг таъбирича, "кўриш қобилиятини ҳар хил таъсирлардан ҳимоялайдиган восита" бўлишдан ташқари, оилага келувчи қўшимча харажат, режаларни ўзгартирувчи бир омил... ва ҳоказолардан ташқари, олифтагарчилик белгиси ҳам экан. Чунки кўз рангини ўзгартириш учун ҳам, қорачиғига бошқача шакл бериш учун ҳам линза тақишаркан! Фақат линзада кўзойнак каби гардиш йўқ экан! Шунисига ҳам шукр!

Мана энди шамоллади, линза тақиш мумкин эмас, куни алмисоқдан қолган шу кўзойнакка қолганда, у ҳам синиб ўтирибди!

Аёл шу дамда англадики, шу кунгача кўзойнак ва ҳоказолар билан боғлиқ бошоғриқлари ҳар кимга ҳар турда насиб қиладиган ташвишларнинг бир кўриниши экан, холос.

...Оқшом чоғи қизи онасининг олдига чиройли қора чарм ғилоф қўйди. Аёл ғилофни очмаса ҳам дарров билди. Кўзойнак!

Қизи жилмайди:

– Махсус буюртма билан ясаттирдим! Ҳар ким ўзига муносибини танлагани тузук-да! Ҳар ҳолда кўзойнак ҳам кишининг қанақа одам эканлигидан дарак беради.

Аёл ўзича кулиб қўйди: "Маҳмадона... Мана, кўзойнакнинг яна бир хоссаси очилди!"

*Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан «Дўстлик» орденига муносиб кўрилганимда, аввало, бу юксак мукофот учун миннатдорлик ҳиссини туйдим. Қолаверса, бу эътироф мени тақдирлаш сабаби ва мазмун-моҳияти ҳақида мулоҳаза юритишга ундади.*

# ТАРЖИМАНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ



Адабий фаолиятдаги дўстлик деганда нимани тушунмоқ керак? Ўйлашимча, бу аввало таржима соҳасида, кейин эса шунинг асосида миллий адабиётлар ва маданиятларнинг ғоявий-эстетик ўзаро таъсири ва ўзаро бойишидир. Бугун ўзбек таржимонлари жаҳон адабий меросини, шунингдек, замонамизнинг таниқли ёзувчилари ижодини таржима қилиш, таржима воситасида идрок этилган мазмун ва моҳиятни бадиий мушоҳада қилиш борасида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Ўзбек адабиёти намуналарини хорижий тилларга таржима қилиш нисбатан секинроқ бўлса ҳам амалга ошмоқда. Бу борада мен ўзбек адабиёти таржимонларидан бири сифатида ишнинг бир нечта долзарб истиқболларини кўраман. Биринчи йўналиш, менингча, ўзбек мумтоз адабий меросини таржима ва мушоҳада этиш билан боғлиқ. Расман бу борада, айниқса, XX асрда кам иш қилинмаган, лекин бошқа томондан “ғоялар кураши асри” таржимачилик фаолияти табиатига ўз муҳрини босган. Мазкур таржималарда ўша даврнинг ғоявий йўналиши сезилиб туради, шунинг таъсирида бадиий матннинг каттагина қисми қўпол равишда бузиб кўрсатилган, кўпинча эса шунчаки ташлаб кетилган. Табиийки, бадиий матнни тўла тиклаш эстетик нуқтаи назардан ҳам бугунги куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Замонавий хорижий ўқувчига буюк шоирларимизнинг асарларини эстетик жиҳатдан тўғри тақдим этиш ҳам катта аҳамиятга эга, бу энди таржималар сифати масаласидир. Алишер Навоий асарларининг рус тилидаги ўн томлик нашри адабиёт тарихчилари ва тадқиқотчилар учун маълум бир йўналиш сифатида хизмат қилиши мумкин, лекин у оммавий ўқувчининг ҳафсаласини пир қилиши аниқ: шеърий сатрлар таржимаси ғализлиги ва сунъийлиги, образлар тавсифининг эстетик жиҳатдан нотўғрилиги ўқувчини хафа қилади. Масалан, рус тилига қилинган таржималарда “қотил” сўзи ғазал учун анъанавий бўлган юксак образ – паривашга нисбат берилганда («Ўқунгға кўнгул мойил, мужиб недур, эй қотил»), бу сўзнинг миллий адабиётлардаги турлича эстетик жиҳатларига қарамай русчага луғавий маънода тўғридан-тўғри таржима қилинганини кўриб ҳафсаламиз совийди. Бундай ҳолларга ҳар қадамда дуч келиш мумкин. Бунда оз бўлса ҳам соз бўлсин, деган принципга риоя қилган маъқул кўринади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси энг яхши таржималарни танлаб олиш йўлидан бориб, 2016 йилда рус тилида “Алишер Навои. Сокровищница мыслей», китобини чоп эттирди, мазкур китобда муваффақиятли таржималар жамланган. Ўйлайманки, бу йўналишдаги ишларни давом эттириш лозим.

Таржима ишининг иккинчи истиқболли йўналиши XX асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод қилган ўзбек шоир ва ёзувчилари ижодини хорижий ўқувчиларга тақдим этиш, деб биламан. Бу даврда узилган ҳаёт йўллари, ўз вақтида таъқиқланган муаллифлар ва уларнинг сиёсий сабаблар билан таржима ишлари ва адабиётшунослик тадқиқотлари назаридан тушиб қолган асарлари кўп. Айнан ўша давр, бизнингча, ўзга тилдаги ўқувчилар учун жуда қизиқарли бўлиши мумкин, боиси бу янги ғоялар, эстетик кашфиётлар, бадиий шакллар тараққиёти, журъатлар замонидир. Замонавий Ўзбекистоннинг йўлини англаб олишда бу даврнинг ғоявий жиҳатдан муҳим эканини ҳам унутиб бўлмайди. Мамлакатимиз Президенти 2019 йилда Олий Мажлисга йўллаган мурожаатида жадидлар ғоясини англаб етишнинг муҳимлигига эътибор қаратгани бежиз эмас: “Биз жадидлар ҳаракати тарихини, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий меросни қанчалик кўп ўргансак, бугун ўзимизни ўйлантираётган саволларга шунчалик осон жавоб топамиз. Уни қанчалик фаол тарғиб қилсак, халқимиз, айниқса ёшлар ҳозирги тинч ва осойишта ҳаётимизни шунчалик кучли қадрлайди”. Фитрат, Чўлпон ва жадидлар даврининг “четлаб ўтилган” яна кўплаб ёзувчи ва шоирлари ижоди бошқа тилларга тўғри таржима қилинишга муҳтож.

Алоҳида таъкидлагим келаётган учинчи йўналиш — бу кейинги ўн йилликлар ичида кучсизланиб қолган таржима алоқалари боис ижоди қардош ва хорижий ўқувчиларга муносиб даражада тақдим этилмаган замонавий муаллифларимизнинг асарларини таржима қилишдир. Бу Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов сингари устоз шоирларнинг охирги йиллардаги ижоди, шу билан бирга, ижоди Мустақиллик даврида шаклланган шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларидир.

Агар менинг мулоҳазаларим учун “дўстлик” сўзи жамловчи вазифасини ўтаган бўлса, у ҳолда ушбу муаммолар ортида турган жиҳатни, адабий меҳнатнинг умумий мақсадини ҳам айтиш керак. Кўп асрлик эстетик тажрибаси бўлган ўзбек адабиётининг, азалдан соғлом фикрлаган ва ҳамиша яхшилик соғинувчи халқимизнинг инсонлараро ва миллатлараро муносабатлар, бу муносабатларни оқилона йўлга қўйиш йўллари ҳақида жаҳонга айтадиган сўзи бор. Бу сўз ҳаётимиз тузилмасининг энг муҳим томони сифатида Ватанимиз мадҳиясида “Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!” дея куйланган ўша ДЎСТЛИКдир.

**Николай ИЛЬИН,**
**“Дўстлик” ордени соҳиби,**
**шоир ва таржимон**

ДИЛ СЎЗИ

# ИЛМ АҲЛИ ЭЪЗОЗДА



Муборак истиқлолимизнинг муқаддаслиги, озодлик туйғуси инсон учун нақадар азиз ва қадрли эканини бизнинг авлод яхши билади. Зиёлиларимиз қатағон даврида мустабид тузум тазйиқларидан чексиз зулм кўргани, бебаҳо китоблар ёқилгани, кўмилгани, халқимиз тарихи сохталаштирилгани, дин ва диёнат, ор ва номус топталганини Ҳазрат Навоий таъбири билан:

**Барча хиёнатни диёнат билиб,**
**Барча диёнатга хиёнат қилиб, –**

тарзида ифодаласак бўлади.

Бугун Янги Ўзбекистонимизнинг миллий юксалиш даврида Президентимиз томонидан ҳаётимиз мезонига айланган одамларни рози қилиш концепцияси халқимизни руҳлантирди.

Бундай демократик жараёнларнинг бошланишига, ривожланишига, одамлар онгу шуурига ўрнашишига, бир сўз билан айтганда, бутун жамиятнинг янгиланишига Президентимизнинг даъватлари, халқ билан мулоқотлари, оддий одамларни тинглашлари сабаб бўлди. Буни, албатта, Бухоро-Қоракўл, Сардоба, ҳозирга қадар биз муносиб тарзда курашиб келаётган пандемия мисолида гувоҳ бўлиб турибмиз.

Бугунги кунда «Одамий эрсанг, демагил одами, Оники йўқ халқ ғамидин ғами» байтидаги ғоялар ҳаётимизда устувор. Бунинг исботини, мустақиллик халққа нималар берганини Самарқанд вилояти мисолида кўриш мумкин. Самарқандимиз аслига, улуғворлигига қайтмоқда. Боқий Самарқанд ўзининг қадимги шуҳратини қайта тиклади, у яна «сайқали рўйи заминга» айланди, унинг шарафу обрўсига обрў қўшилди.

Ҳазрат Навоий шаҳримизни «Самарқанди фирдавсмонанд», «аҳли саховатпеша», «Руди Кўҳакнинг суви дору» деб таърифлаганлар. Алишер Навоий Самарқандда таҳсил олиш учун келганларида Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг бош мударриси – Мирсаид Шариф Журжонийнинг бевосита шогирди бўлган фиқҳда Имом Аъзам, араб тили грамматикаси бўйича ибн Ҳожибга тенглаштирилган, шеъриятга ошно ўша даврнинг «аъломул уламоси» (олимлар олими) Абулайс Фазлуллоҳ Самарқандийдан фарзанд мақомида бўлиб таълим оладилар.

Биз Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши сессиясида Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг бевосита вориси сифатида Самарканд давлат университетининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорни катта хурсандчилик билан кутиб олдик. Бу қарорни юртимизнинг юксалиш давридаги оламшумул аҳамиятга эга воқеа, деб ҳисоблаймиз.

Бугун илм-фан, таълимга эътибор кучайди. Аввало, илм аҳли, муаллимлар улуғланмоқда. Кейинги уч йил давомида илмдан кетиш эмас, илмга қайтиш бошланди. Ҳазрат Алишер Навоий ўз ҳаётини инсон бахту саодати, жамият фаровонлиги ва юрт осойишталиги учун тўла-тўкис бахшида этди. У қўлига қалам олар экан, фақат инсонийлик шарафи ва масъулияти ҳақида сўз юритди. Унинг фикрича, барқарор давлат ва намунали жамиятни энг мукаммал ахлоқ ва илм эгаси бўлган ёшлар қурмоқлари мумкин. Шунинг учун у ўз замонасининг илмли, иқтидорли, кўп фазилатларга эга бўлган ёшларини умумлашма бадиий тимсоллар воситасида бадиий адабиётга киритди.

Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонининг 11-мақолатида «илм» сўзидаги ҳарфларни қуёш, ой, юлдуз дея шарҳлайди. Шоир назарида илмнинг бор-йўғи ёруғликдан иборат. Илм жаҳолат тунини ёритади.

Навоий даҳосининг ўлмаслиги, ижодий меросининг замонамиз ва келажагимиз учун ҳам фойдали ва зарур экани кундай равшан. Сизу биз, барчамиз эса ана шундай ҳақиқат, адолат, саховат, меҳр-шафқат юзага чиқиши учун баҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилмоқдамиз, фаолият юритмоқдамиз.

Шунинг билан бирга менга берилган юксак мукофот «Эл-юрт ҳурмати» орденини ҳам, амалда мамлакатимиздаги илм-фан ва таълим аҳлига билдирилган ишонч, деб ҳисоблайман. Бу ишонч эса ҳар биримизга катта масъулият юклайди ва бизни шу йўлда янада куч-қувватимиз, ақл-заковатимизни ишга солишга ундайди.

**Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,**
**Самарқанд давлат университети профессори,**
**«Эл-юрт ҳурмати» ордени совриндори**

## ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ

# Муқимий назмининг назокати

*Мавлоно Муқимий бир шеърида ёзади: “Эл аро борким масал: “Ҳақ жойига топсун қарор...”. Вақти келиб ҳақиқатнинг ўз жойида қарор топишига қатъий ишонч Муқимий шеъриятига нисбатан ҳам, шахсига нисбатан ҳам, албатта, воқеликка кўчгани айни замонамизда аён кўриниб турибди. Азим бошкентимиздаги Адиблар хиёбонида йигирма тўрт ижодкор қатори унинг ҳайкали ҳам ўрин олгани фикримизнинг далилидир.*

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, XVIII асрнинг охирги чорагидан XX асрнинг биринчи чорагига қадар биргина Қўқон ва унинг атрофидан икки юз нафардан зиёд ижодкор етишиб чиққан. Демак, оддийроқ қилиб айтганда, бир ярим асрда икки юзта шоир. Тўғри, бу ижодкорларнинг барчасини ҳам бирдек юқори савияда, салмоқли адабий мерос қолдирган, деб бўлмас. Бироқ уларнинг орасида Амирий, Нодира, Увайсий, Фазлий, Ғозий, Узлат, Ҳозиқ, Махмур, Азимий, Хон, Қорий, Муҳйи, Фурқат, Завқий, Ҳазиний, Ҳамза каби сўз санъаткорлари борки, уларсиз ўзбек адабиёти тарихини тасаввур этиш мушкул. Бу шоирлар қаторида Муҳаммад Аминхўжа Мукимий (1850 — 1903) алоҳида эътироф ва эъзозга сазовор.

Мукимий яшаган давр Ватанимиз ва миллатимиз тарихидаги энг оғир даврлардан бири. Бу вақтда Туркистон замини Чор Русияси босқини арафасида ва бунинг оқибатини кўриш палласида эди. Муқимий каби зиёлилар қатлами эса бу истибдодни ўз бошидан кечирган авлоддир. Улар энди нафақат бадиий адабиётга, балки бутун дунёга бошқа кўз ила боқаётган кишилар эди.

Бу масаланинг бир тарафи. Бошқа томондан қараганда эса, Хўқанди латиф – қадим кент. Бу шаҳарнинг ўзига хос кўриниши ва маданияти билан бирга, халқининг ҳам сўзлашув, муомала, суҳбатдаги закийлиги ўзига хос жиҳат сифатида шаклланган эди. Бу кентдан етишиб чиққан ижодкорларга эса мазкур жиҳатлар жуда катта масъулият юклар, сўзга муносабат ва уни халққа етказиб беришда алоҳида маҳорат талаб этарди. Айниқса, мавлоно Муқимий яшаган йиллар кўзда тутилса, сўзнинг бадиий адабиётдаги ўрни ва бадиий асар орқали ўқувчига етказилиши масъулияти икки карра ортганини кўришимиз мумкин.

Унинг маҳорати ўз замондошларидан анча фарқ қилади. Айтиш керакки, Мукимий кўп жиҳатдан феноменал ижодкор.

Биринчи галда, унинг сўз қўллаш маҳорати намунапардоздир. Қолаверса, у мумтоз шеърият тилини замонавий ва халқ тили билан уйғунлаштира олди. Таъкидлаш жоизки, Мукимий ижодиёти мумтоз адабиётимиз билан замонавий адабиётимиз ўртасидаги олтин кўприкдир. Хусусан, бу жиҳат шоир шеъриятининг тили ва шеърий услубида ёрқин намоён бўлган.

Афсуски, Муқимийнинг ҳассос лирик шоир сифатидаги маҳорати ва ижодий сифатлари ҳанузгача тўла кашф этилгани йўқ. Шоир қўллаган фавқулодда ташбеҳлар, уларнинг замин ва замон билан мутаносиблиги, образларининг ёрқинлиги ва ҳаққонийлиги, шеърий асар таъсир кучи ва реаллиги, воқелик ва тасвирнинг ўта мувофиқ меъёрий даражаси каби хусусиятлар тўла-тўкис тадқиқ қилинмаган.

Бироқ кейинги йиллардаги тадқиқотлар, айниқса, матншунослик йўналишидаги илмий изланишлар Муқимий ижодиётини ҳам янгича дунёқараш асосида таҳлил этиш имкониятини бермоқда.

Мукимий шахсиятида бўлганидек, ижодиётида ҳам қизиқ ҳолатлар бор. Улардан муаллифнинг чин эътирофини, сўз қудратига таҳсинни илғаш мумкин:

**Ногаҳон ҳар шеърими бир-бир олсанг, Муқим,**
**Назми васфинг чиқмаса ёлғону ёлғон ўхшамас.**

Бу ўринда вақти келиб, шоир назмини бир-бир текшириб, росту ёлғонни ажратиб олиш фурсатига ишора қилинмоқда. Шунингдек, бироз киноя шуки, ёр васфини назмда бераётганда “ёлғон” ҳам ишлатилади. Агар, шу “ёлғон” ишлатилмаса, ушбу назм назмга ўхшамай қолади.

Шоирнинг бу кинояси ва айни дамда нимтабассум қўзғатувчи эътирофига таҳсин айтмай илож йўқ. Шунингдек, лирик шеъриятнинг замондошларига тушунарли бўлмоғи учун бундан ортиқ эътироф ҳам бўлмаслигини тан олмоқ зарур.

Мукимий бир ғазалида ёзади:

**Назар қилғанда назмингға Муқимий,**
**Назокатда Умархондин қолишмас.**

Мана, шоир Муқимийнинг бадиий ижодда ва сўз англашдаги асосий нуқтаси ҳамда нуктаси. Унингча, бу – мумтоз назм назокати.

Энди, албатта, ҳар бир муҳит учун адабий идеал бўлган шоир кейинги давр ижодкорлари учун намуна қилиб олинади. Бу ўринда машҳур шоир ва Қўқон хони Муҳаммад Саид Амир Умархон (1787 — 1822) шеърияти таъкидланмоқда. Ҳақиқатан ҳам, ўтмиш ва кейинги давр кўпгина адабиётшуносларининг эътирофига кўра, Амир Умархон шеърияти бадиий сажияси, кўламдорлиги ва санъаткорлиги билан ажралиб туради. Лекин бу ўринда Муқимий “назмнинг назокати” деганда, биргина Амирий шеърини эмас, у орқали барча туркий мумтоз шеъриятни кўзда тутмоқда. “Назокат” аслида арабча сўз бўлиб, тилимизга ўрнашиб кетган. Унинг бир неча маъноси бор: хушмуомалалик, одоб, латифлик, нозик, нафис, маром.

Мумтоз адабиётда эса истилоҳ сифатида юқоридаги мазмунлар бириккан ҳолда ифодаланади. Муқимий ҳам “назмнинг назокати” деганда шеърнинг нафислиги ва сўз-калиманинг мантиққа мувофиқлигини назарда тутган. Мумтоз ва ўлмас адабий анъаналарни муносиб равишда ўз ижодида акс эттириш билан бирга унга янгича оҳанг ва услубни ҳам жорий эта билиш учун эса салоҳиятли шоирдан билим ҳамда малакадан ташқари сўз ва халқ тилини ҳам яхши билиш талаб этилади. Мазкур хусусиятларнинг барчаси Муқимий ижодида ўз аксини кўрсатмай қолмаган. Айнан мана шу кўринишга биз шоир шеъриятида соф мумтоз адабиёт доирасидан чиқмаган ҳолатда, мумтоз адабий анъаналарни бузмаган ва уларга хилоф қилмаган тарзда ўз унсияти ва мавжудиятини билдира олганига гувоҳ бўламиз.

Мукимий мумтоз адабиёт билан бирга, халқ оғзаки ижодини ҳам яхши билган. Шунинг учун, уни халқчил шоир ҳам дейиш мумкин. Эътибор қилайлик:

**Ошиқ эрмасман юзингга якка бу Фарғонада,**
**Зоҳид истар Каъбаларда, барҳаман бутхонада.**

Байтдаги барча сўзлар мумтоз асарларда учрайди. Улар китобхонга ҳам таниш. Бироқ илк мисрадаги “Фарғонада” қофия-сўзи ўқувчини ўзига қаратади. Бу заминда маъшуқасига бир ўзигина ошиқ бўлиб қолмаганини баралла айтаётган ошиқ, муслимлар Каъбасинию бутпарастлар бутхонасини эслатмоқда. Лекин у ишлатган “барҳаман” (браҳман, роҳиб) истилоҳи ўқувчини сергаклантиради. Негаки, бу сўз ўша давр бадииятида ҳам, лексикасида жуда камчил ва ноёб эди.

Ёхуд шеъриятда доимо қўлланган ва қўлланувчи сўзлардан чиройли тасвир ярата олиш:

**Сув сепиб кўз ёшидин, қўйдим йўлингиз тозалаб,**
**То келур вақтида доманни ғубор этмай келинг.**

Тасаввур этамиз: ёр келадиган йўлни тозалаб, сув сепилди. Токи, ул дилбарнинг этаклари ғубор (чанг) бўлмасин. Байтдаги жозибали тасвир ва нозик ҳаракатни “кўз ёшидин” сепилган сув жонлантириб, ошиқнинг ҳижрондаги асл ҳолатини акс эттирмоқда.

Тилга олинган мумтоз назм назокати ҳам юқоридаги жиҳатларга омил бўлиб хизмат қилган. Айнан Мукимий шеърларидаги латифлик, нозиклик, нафислик ва мантиқий маром унинг назм назокатини белгилаб берган. Ҳамда кўп жиҳатдан ўнлаб замондош ижокорлардан фарқли равишда юксак бадиияти ва замонасига монанд услубини ҳам кўрсатиб бера олган.

Мукимий лирикасида сўз ана шундай санъат даражасида қўлланилган ўринлар бисёр. У сўзларни ажралмас иборалар тарзида берадики, ихтиёрсиз равишда улар шеърхонга ёд бўлиб қолади. Мисол учун, айрим мисраларни келтирсак: “Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур”, “Жамолингга мисоли кўзгу ҳайрон айладинг-кетдинг”, “Чиқди ҳижрон чилласи, келди баҳорим хайрият”, “Эшикдин урсангу қувсангки, кетмас бир гадойингман”, “Ман бу ғам бозорида юрмакка ҳолим қолмади”, “Гаҳ-гаҳе кўз учи бирлан назар сол, айланай”, “Ишқ ўтиға куйди мағзи устихон”, “Найлайин, ҳар ерда бўлсанг ҳам омон бўл майлиға”, “Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар”, “Доманингни тутмасун то рўзи маҳшар қонгинам”, “Ҳар кишини бўлса маҳбуби киройи сан каби”, “Кишининг жонидек жисмимдаги руҳи равоним сиз”, “Кўрган еримда сурати деворман яна”.



Энди шеърий сатрлардаги иборалашган баъзи топилмаларга эътибор қилайлик: “Ақлу ҳуш учти бошимдин”, “Мўй ҳам табъиға сиғмай”, “айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман”, “кокилчаси райҳон экан”, “кўзум оқсун”, “ўлмаган жоним мани”, “миниб ноз отиға”, “шул ишни бекор айладинг”, “бормай ишга қўл”, “бировнинг ишқида беморман яна”, “бормуди қасдинг”, “уй бўлмағай девонада”, “илоҳи, ёридин айрилмасун”, “маломат кунжида доим Муқим”.

Миссионер ва муҳаррир Н.П.Остроумов (1845 — 1930) Мукимий ҳақида бир қизиқ фактни келтиради. У ёдномасида ёзишича, 1892 йил февраль ойида Муқимий билан кўришган ва хайрлашув чоғида шоирдан бир шеър битишни илтимос қилади. Шунда шоир бадиҳатан (экспромт) тарзида ўша заҳотиёқ қуйидаги байтни ёзиб беради:

**Ҳуснига не нуқс гар бўлса кўзи ферузаранг,**
**Балки, боғларға тароват сабзадин пайдо бўлур.**

Остроумов ҳайратини яширмайди. Аввало, шоирнинг уста хаттотлиги ва унинг ҳуснихатига қойил қолади. Кейин эса шеърдаги мазмун: бир зумда, муҳаррир кўзининг мовийлигига ишора қилиб “кўзи ферузаранг” деб кетиши ҳамда ўзаро суҳбатларининг боғга қиёсланиши ҳам уни қойил қолдиради.

Муқимий лирикасининг ажиб жиҳатларидан яна бири шуки, у яратаётган образини эркалайди, аяйди ва фахрланади, бунинг ифодаси учун эса муносиб сўзларни топа олади:

**Юзму тобон, чарх уза ё меҳри анвардаккина,**
**Қадму нозукдур, ажаб, сарву санавбардаккина.**

Байтда маъшуқани эркалаб таърифлаш устун. У кичрайтириш маъносидаги “даккина” қўшимчасини сўзга орттириш орқали, аввало, қуёшнинг нуридай деса, кейин ёр қаддини “нозук” деб қўйиб, энди баланд сарвдай эмас-ку, дея уни “санавбар”га менгзаб қўймоқда.

Қуйидаги байтда эса аслида маҳбубасидан гина қилиши керак бўлган ўринда уни аяйди, ундан фазилат қидиради:

**Ўпарга қўлларинг вақти мулоқотим, дариғоким,**
**Чиқмагай енгдин илкинг ёки боғлабсан хино, келдинг.**

Хилват мулоқот чоғида ёрнинг қўлидан ўпишни кўнглига туккан эдию гўзал маъшуқа қўлини енг ичидан чиқармагач, энди ошиқ “ҳусни зан” (чиройли гумон) қилмоқда. Токи, ул ёр қўлига хино боғлаб келган.

Агар келтирилган байтда гўзалнинг қўл узатмаганини ҳам аяб хислат топишга “хино” сўзини сабаб қилаётган бўлса, энди тубандаги байтда ўзини ҳижронда қолдириб кетган бўлса ҳам ундан фахрланади:

**Ёр ила, не хуш, замоне рўзгорим бор эди,**
**Подшолик давлатидин ҳамки орим бор эди.**

Ёри билан ўтган ҳар дами хуш бўлгани, унинг бу “рўзгори” “подшолик давлатидин” ҳам баланд бўлганини таъкидламоқда.

Бу ўринда биргина “ор” сўзи бутун байт мазмунига зеб бўлмоқда.

Демак, Муқимий оддий сўзлар воситасида ҳам олий ҳақиқатларни айта оладиган даражадаги юксак истеъдод соҳиби, маҳорат эгаси. Шоир шеърлари кенг кўламли ва серқирра мазмунни оддий ва содда ифодалагани билан ўзига хослик касб этади. Уни халққа яқин ва севимли қилган энг асосий омиллардан бири ҳам айнан шулар.

Мана, Муқимийга хос шеърий кинояниинг бир намунаси:

**Очиб мундоғ матоъи ҳусн қадрин билмаганларга,**
**Дариғоким, сахийсан –**
**нася савдо қилдингу кетдинг.**

Шоир гўзал маъшуқа юзини ногаҳон кўриб қолган ошиқнинг ҳолатини нася савдо қилган кишига ўхшатмоқда. Бу асосли ва айни дамда кинояли ўхшатишдир. Асосли эканлиги шундаки, Муқимий яшаган даврда Қўқон ўзига хос савдо марказларидан бўлиб, турли даражадаги савдо ишлари ва бу билан боғлиқ ҳангомалар содир бўлиб турарди. Гўзалнинг юзини кўриб, ошиқ бўлган мубталоларни муаллиф насия савдога кўниб, сохта сахийдан куйиб қолган савдогарларнинг ҳолатига ўхшатмоқда. Ҳамда бу билан лирик кечинма замирида замонавий воқеликка нозик, кишибилмас киноя билан ишора қилмоқда.

Қуйидаги байтда эса шоир кинояниинг санъаткорона кўринишини айнан халқона ибора-сўзлардан ясайди:

**Ўтади ёр, келмай қолди тил сўзға, кулуб айди:**
**— Қалайсиз, камнамосиз, гунгу лолу безабонимсиз?**

Ёр ўта туриб ногаҳон сўз қотди, гапирганда ҳам кулиб айттики: “Қалайсиз, камнамосиз, гунгу лолу безабонимсиз?”. Бунга сабаб ошиқнинг тилига сўз келмай қолганидир.

Муқимий мазкур байтда қўқонча муомала ва гап оҳангини шеърий сатрларга сингдириб юборган. Маълумки, Қўқонда узоқ кўришмай қолган таниш-қадрдонлар ногаҳон кўришиб қолганда “Қалайсиз? Камнамосиз?” дея суҳбатни бошлашади. Бу жиҳат нафақат Муқимий даврида, балки айни кунларда ҳам мавжуддир. Яъни шоир халқ ичидаги муомала тарзини шеърга бадиий тарзда чиройли қилиб кўчира олган. Шоир лирикасидаги бу каби тасвирлар ўз аниқлиги билан бирга жозибадор ва халқона сўзларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради.

Муқимийнинг мумтоз адабиётимиз тарихида маҳоратли лирик шоир ва закий ҳажвгўйлиги маълум ҳақиқат эса-да, унинг забардаст сўз устаси эканлиги ҳам юқоридаги каби сатрлардан билиниб туради. Шоирнинг сўзни қадрлаши ва унга муносабати эса деярли ҳар бир асаридан аён. У айтади:

**Илм ўқуғани бирла ҳар ким мусулмон бўлдиму?**
**Моуман айлаб, фаришта ғайри шайтон бўлдиму?**

Яъни илмга эга ҳар қандай одам мусулмон бўлиб қолмайди. Ўз илмига мағрурлик қилиб, кибру ҳаво кўрсатган Азозил фаришта шайтонга айланиб қолди-ку?!

Ушбу мазмун билан шоир шеър ёзиш даъвосини қилаётган ҳар бир қаламкашнинг ижодкор-шоир бўлиб қолмаслигига ишора қилмоқда ва ушбу фикрини мазкур ғазалнинг еттинчи байти – мақтаъда очиқ-ойдин айтмоқда:

**Бўлмағай ҳосил, Муқимий, маъние ҳар лафздин,**
**Дона сочқан бирла ҳар қишлоқи деҳқон бўлдиму?**

Ҳар бир лафз, яъни сўз-калима маъноли бўлса ҳам ундан ҳикматомуз шеър чиқавермайди. У жойида ва ўринли ишлатилса ҳамда илму дониш бўлсагина ҳақиқий шеър бўла олади. Бу қуруқ ерга уруғлик-дон сочиб кетаверган билан ҳар бир қишлоқлик одам “деҳқон” деган шарафли номга эга бўлиб қолмаганидек. Чунки деҳқон заҳмат чекиб ерга ишлов беради, уруғлик қадайди ва уни сабру тоқат ҳамда билиму тажриба билан парваришлайди. Шундан сўнгтина уруғидан мўл-кўл ҳосил олади. Худди шунингдек, сўзни қадрлаб, авайлаб қўллаб, билим билан шеърда ишлатилсагина у маъноли ва ҳикматли асар бўлиши мумкин.

Мавлоно Муқимий ижодиёти бунинг юксак намунасидир.

**Отабек ЖЎРАБОЕВ,**
**ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи илмий ишлар бўйича директор ўринбосари**

# “Қадрдон қайрағоч”ни ўқиб...

*Очиғини айтсам, шу пайтгача китобларга сўз боши ёзган одам эмасман. Бу иш катта устозларга ярашади. Аммо тунов куни иш вақти тугаб, уйга қайтишга чоғланиб турганимда қўлида қалин бир папка билан Қурбон Эшматов хонамга кириб келди-да: “Шунга ўзингиз бирор қоғоз сўз ёзиб берсангиз”, деб қолди.*

– “Танланган асарлар”гами, — деб ҳазиллашдим.

– Ҳа.

– Э, йўқ, ака, сиз буни устозларга айтинг. Улар ёзишса, фикр билдиришса, ярашади.

– Йўқ, менга сизнинг ёзганингиз маъқул.

Бу гапдан сўнг нима дейишни билмай, чорасиз қолдим.

Хуллас, “Қадрдон қайрағоч” – Қурбон Эшматовнинг китоби. Олдиндан айтиб қўя қолай: уни ўқиб чиқишни ҳаммага тавсия этган бўлардим.

Юртимизда адабиётга, матбуотга яқин инсон борки, Қурбон Эшматовни яхши танийди. У чиндан ҳам самимий, содда, қалби тоза инсон. Илк бор у киши билан 1983 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетига ўқишга кирган пайтларимда танишган эдим. “Ўзбекистон овози”да ҳам бақамти ишладик. Мана, 5–6 йилдирки, “Фермер” журнали таҳририятида узанги-йўлдошмиз.

Ҳамма жойда ҳам ишда маълум тартиб, қоидалар, интизом талаб этилади. Бироқ “тартиб, қоида” деганлари Қурбон акага “тўғри келмаслиги” ҳам ортиқ исбот талаб қилмас ҳақиқат. Лекин эркинроқ, ишласа ҳам, айрим “интизомли”, “тартибли” ходимлардан кўпроқ, самаралироқ, сифатлироқ меҳнат қила олишини Қ.Эшматов ўзининг журналистик фаолияти давомида қайта-қайта исбот қилиб келаётган ҳамкасбларимиздан.

Ўзбек журналистлари орасида Қурбон Эшматовдан кўра машҳурроқ, кўп ҳаётий ҳангомалар, саргузаштлар “қаҳрамони” топилмаса керак. Масалан, тунов кунги гап: журналист Ҳосил Каримов қизини узатаётган экан, тўйга айтгани келиб қолди. Уни чин юракдан муборакбод этдим. У хурсанд бўлиб:

– Раҳмат, раҳмат, ака, — дея қўлидаги беш-олтита таклифномалардан иккитасини узатди. Тўйхатлардан бири Қурбон Эшматовга экан.

– Мана шуни Қурбон акага бериб қўйсангиз, сиздан хизмат шу, – деди Ҳосил ака.

Одатдагидай, Қурбон ака ҳали ишга келмаган, бундан сал асабим бузилиброқ турган эди. Ҳосил акага ҳазил қилмоқчи бўлдиму саволим жиддий чиқди:

– Хўш, яна кимларга тўйхатлар бор?

– Йўқ, шу-шу... ўзи 3–4 та қолди. Тарқатиб бўлдим ҳисоб.

– Яхши. Қўлингиздаги ана у таклифнома кимга экан, – қувлик билан давом этдим.

– Ҳа, буми, Сувонқул Рустамовга. Энди олиб бораман...

Сувонқул Рустамов (охиратлари обод бўлсин) ўша пайтда “Темирйўлчи” газетасининг бош муҳаррири бўлиб ишларди.

– Ҳосил ака, манави Қурбон акага ёзган тўйхатингизни олинг-да, марҳамат қилиб, у кишини ўзингиз топиб, ўзингиз бериб қўяверинг. Менга Сувонқул акага ёзилган тўйхатни беринг, албатта, етказаман, – дедим жиддий.

Ҳосил ака шошиб қолди:

– Э, Қурбон ака сиз билан бирга ишламаяптими?

– Биз билан ишлайди, лекин Қурбон акадан кўра, Сувонқул Рустамов билан кўришишим осонроқ.

Бу гапдан чинакамига ҳушёр тортган Ҳосил Каримов бироздан сўнг ҳазилимни тушуниб, роса яйраб кулди.

Энди икки оғиз “Қадрдон қайрағоч” ҳақида.

Китобни ўқиб жуда қувондим, уйга толдим. Ростини айтсам, шунча йилдан буён ёнма-ён юрган бу инсонни ҳалиям яхши билмас эканман.

Китобдаги ҳикояларда Қурбон аканинг қалби, чеҳраси, юриш-туриши кўз олдимда намоён бўлди. Айниқса, она ҳақидаги “Онам суйган тош”, “Онамнинг ўртоқлари”, “Желак кийган фаришта”, “Онам хаёлидаги ихтиро”, “Қайрағочим” каби асарларни ўқир эканман, оғир, маҳзун ўйлар куршовида қолдим. Бари ҳаётий. Бари-бариси ҳаётда кўрган-кечирган, билган, ҳис қилган воқеа-ҳодисалар асосида ёзилган. Айниқса, китобдаги воқеий ҳикоялар, табиат мавзусидаги катта-кичик сочмалар ва қарийб қирқ йилга яқин журналистиканинг заҳматини чеккан устозимизнинг суд очерклари ҳам маҳорат қалами ила битилган.



* * *

Бу мақола икки ярим йилча аввал ёзилган эди. Қурбон ака китоби чиқишини интиқ бўлиб кутди.

Бугун эса жондан азиз оғамиз орамизда йўқ.

Энди “Қадрдон қайрағоч”ни тез кунларда нашр эттиришга, устознинг руҳи-поклари олдидаги бурчимизни адо этишга масъулмиз.

**Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

# Ижодий имтиҳонлар жараёни

*Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшларнинг таълим олишлари учун яратилаётган шароитлар йилдан-йилга кенгайиб, давлат томонидан ушбу йўналишга катта инвестициялар киритилмоқда. Бунинг натижасида талабаликка қабул қилинган ёшлар сони охирги уч йилда уч баробарга ортди.*

Бу йил шароит тақозосига кўра абитуриентларнинг ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш масофадан туриб амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига кириш учун 15387 нафар абитуриентнинг ҳужжатлари рўйхатдан ўтказилди. Шундан 3767 нафари 17та йўналиш бўйича ижодий имтиҳон топширади. Маълумки, 2020–2021 ўқув йилида институтимизга кундузги ва сиртқи таълим бўйича 20та бакалавриат таълим йўналишига 1025 нафар абитуриент талабаликка қабул қилинади.



2 сентябрь куни ижодий имтиҳонлар бошланди. Имтиҳонларнинг очиқ, ҳаққоний, адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида имтиҳон комиссияси таркибига ушбу таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларидан ташқари, республикамизнинг “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, “Ўзбекистон халқ ҳофизи” каби унвонлар соҳиблари бўлган таникли санъат ва маданият намояндалари жалб этилган. Шу билан бирга, жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳам бевосита имтиҳон жараёнларини кузатиб борадилар.



Ижодий имтиҳонлар ўтказилаётган хоналарга махсус камералар ўрнатилган. Улар орқали институт ташқарисига ҳар бир хона учун алоҳида-алоҳида жойлаштирилган телевизорлардан истаган киши абитуриент ва имтиҳон комиссияси аъзолари ўртасидаги мулоқот, савол-жавоб жараёнларини овозли тасвирда кўриши мумкин. Шунингдек, ҳар бир хонада кечаётган имтиҳон жараёнлари видеокамералар орқали ёзиб олинади ва зарурат туғилганида, истаган пайтда, уни қайта кўриш имкони мавжуд. Ўйлаймизки, барча саъй-ҳаракатлар ижодий имтиҳонларнинг очиқ ва адолатли ўтишига хизмат қилади.

**Эгамберди ХЎЖАМУРОДОВ,**
**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти матбуот котиби**

**ШОГИРД ЭҲТИРОМИ**

# Дунё таниган устозимиз

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Республикаси Санъат арбоби Феруза Абдураҳимова ярим асрлик ижодий фаолияти давомида Ўзбекистон давлат консерваториясида талабаларга дирижёрлик синфи, оркестр билан ишлаш ва услубият фанларидан сабоқ бериб келмоқда. Айни пайтда, консерваториянинг халқ чолғулари талабалар оркестри раҳбари сифатида ҳам самарали фаолият олиб боради.*



Ўтган давр мобайнида Феруза опа юзлаб истеъдодли ёшларни тарбиялаб етиштирди. Бугунги кунда унинг шогирдлари орасида Марказий Осиёнинг турли концерт ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида оркестрларнинг дирижёрлари ёки вилоятлардаги таълим муассасаларида дирижёрлик фани ўқитувчилари бўлиб ишлаб келаётган, устоз мақомига эришган тажрибали мутахассислар кўпчиликни ташкил этади. Улар орасида Ёшлар симфоник оркестри бадиий раҳбари ва бош дирижёри, Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Камолиддин Ўринбоев, шунингдек, консерваториянинг ўзида М.Акмалжонова, Р.Хўжаева, Ғ.Аброров, Ш.Умаров, О.Гочбакаров сингари малакали педагоглар бор.

Ф.Абдураҳимова педагогик фаолияти билан бир қаторда, илмий-услубий ва ижрочилик фаолиятини ҳам изчил олиб бормоқда. Устоз Тожикистон ва Қозоғистонда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти кунларининг иштирокчиси, Россияда ўтказилган Халқаро ёшлар фестивали қатнашчиси. Ўз вақтида унинг раҳбарлигидаги талабалар халқ чолғулари оркестри Москвада бўлиб ўтган қатор концертларда фаол иштирок этган. Шу кунга қадар Ф.Абдураҳимова Швейцариянинг ҳамкорлик бюроси гранти асосида консерваторияда таълим олаётган чет эллик талабалар билан “Дўстлик кўприклари” номли концерт дастурини ташкил этиб келмоқда. Шундай концертлардан бири хитойлик талабалар иштирокида ўтказилди ва дастур компакт диск шаклида чиқарилди.

Феруза Абдураҳимова тадқиқотчи сифатида “Ўзбек халқ чолғуларини такомиллаштириш ва Ўзбекистонда янги ижрочилик шаклларининг ривожланиши”, “А.И.Петросянц”, “Анвар Ливиев” монографиялари, ўрта махсус санъат лицей ва коллежлари ҳамда маданият олий ўқув юртлари учун “Ўзбекистон тароналари” номли қўлланма, болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун “Оркестр синфи” ўқув-услубий қўлланмалар муаллифидир.

Тиниб-тинчимас устоз 1991 йили республикамизда илк бор миллий чолғулардан тузилган “Суғдиёна” камер оркестрини ташкил этди. Айни пайтда оркестр раҳбари сифатида ўзбек чолғуларининг ижро имкониятларини ошириш, ёш ўзбек созандалари ижодини жаҳон талабларига жавоб берадиган юксак савияга кўтариш, улар билан турли халқаро фестиваль ва кўрик-танловларда мунтазам қатнашиб, миллий чолғуларимизни тарғиб этиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқда. Ф.Абдураҳимова “Наврўз садолари” республика кўп овозли ансамбль ва оркестрлар фестивали, “Тошкент баҳори” халқаро фестивали сингари нуфузли анжуманларнинг ташкилотчиси ва бадиий раҳбаридир. Унинг саъй-ҳаракатлари билан “Наврўз садолари” фестивали 2015 йилдан халқаро тадбир сифатида ўтказиб келинаётганини таъкидлаш жоиз. Ўтган давр мобайнида “Суғдиёна” оркестрининг 14та компакт-диски мусиқа санъати мухлислари ва мутахассислар томонидан қизғин кутиб олинган. Оркестр жамоаси Испанияда бўлиб ўтган халқаро мусиқа фестивалида гран-при соҳиби бўлди. АҚШ чолғу ижрочилиги бўйича “Golden Trophy” халқаро танловининг I даражали дипломи ва лауреатлик унвони билан тақдирланди.

Ўқишда, ишда ҳамиша интизомли бўлишга, ҳар бир ишга масъулият билан ёндошишга, турли тадбирлар ва концертларни янгича ёндашув билан ўтказишга ҳаракат қилиб келаётган устознинг сабоғи ёш ижрочилар ва талабалар учун, шубҳасиз, катта мактаб.

Биз, шогирдлар Феруза Абдураҳимовадек бой билим ва тажрибага, юксак мусиқий салоҳиятга эга бўлган, санъат дарғалари мактабини кўрган, касбининг чинакам фидойиси сифатида санъатимиз тараққиёти йўлида самарали меҳнат қилиб келаётган устозимиз билан ҳамиша фахрланамиз.

**Абдуваҳоб САХИЕВ,**
**Ўзбекистон давлат филармонияси бош директорининг биринчи ўринбосари**

**СУҲБАТ**

# Рақснинг бетакрор жилолари

*Ўзбекистон давлат хореография академияси ректори Шуҳрат ТЎХТАСИМОВ билан миллий рақс санъати тарихи, ривожи, унинг бугуни ва келажаги ҳақида суҳбатлашдик. Суҳбатни устоз бошлаб берди:*



Юртимизда топилган археологик топилмалар рақс бизда қадимий санъат турларидан бири бўлгани ҳақида гувоҳлик беради. Йигирманчи асрда ўзбек рақслари саҳна санъати талаблари асосида қайта ишланиб, анъанавий ва замонавий услубларни ўзаро уйғунлаштирган ҳамда байрамлар, тадбирлар билан узвий ҳолда ривожланди. Уста Олим Комилов ва Тамарахоним Фарғона, Исаҳор Оқилов Бухоро, Гавҳар Раҳимова Хоразм халқ саҳна рақсларининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшишди.

Йиллар давомида бир нечта ривожланиш босқичларини босиб ўтган, ўз шакл-шамойили ва мазмунига эга ўзбек миллий рақси жаҳонга танилди. Бу даврда Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова, Қундуз Миркаримова каби маҳоратли рақкосалар ижод қилди. Ўзбек рақслари ўз жозибаси билан дунёда кўплаб мухлислар орттирди.

Ҳар бир миллат ва элатнинг маданияти, турмуш тарзини акс эттирувчи рақслар мавжуд. Хоразм “Лазги”си ҳам шундай рақслардан бири. Миллий меросимиз ҳисобланмиш бу рақснинг ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси объектлари рўйхатига киритилгани ўзбек миллий рақс мактабининг жаҳон миқёсидаги эътирофидир.

Ушбу рақс турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида “Лазги” халқаро рақс фестивалини ўтказиш режалаштирилмоқда. Бундан кўзланган мақсад “Лазги” анъаналарини сақлаш, тарғиб этиш, уни соф ҳолда келгуси авлодга етказиш, ёш ижрочиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришдир. Ўз навбатида, бундай халқаро тадбирлар халқлар ўртасида ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

**— Албатта, ҳеч бир соҳа муаммолардан йироқ эмас. Рақс санъатида мавжуд масалалар қандай ҳал этиляпти? “Дўстлар клуби” доирасида қандай ишлар амалга оширилди?**

— Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда маънавият, маърифат, маданият ва санъатга эътибор тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбари ушбу соҳаларда йиғилиб қолган муаммолар, аччиқ ҳақиқатлар ҳақида очиқ-ойдин гапирди.

Мавжуд муаммоларга ечим топишда Президентимизнинг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари айни муддао бўлди. Бугун биз иккала қарорда белгилаб берилган рақс санъатини ривожлантириш, унинг жаҳон маданиятида тутган ўрнини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш ҳамда янгидан-янги миллий намуналарини яратиш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш каби масалалар устида жиддий иш олиб боряпмиз.

Шу ўринда академия учун замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув биноси ҳамда талабалар турар-жойи қурилиб, 2019 йил 30 августда давлатимиз раҳбари томонидан тантанали тарзда очиб берилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Президентимиз ташаббуси билан академиямизга “Дўстлар клуби” доирасида ҳомийлик қилиб келаётган “Ипотека” банки томонидан 2017–2019 йиллар давомида ажратилган маблағлар асосан моддий-техник базани мустаҳкамлаш, илмий салоҳиятни кўтариш, жумладан, етакчи хорижий мамлакатларда профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, иқтидорли талабаларни магистратурада ўқитиш ва турли тажриба алмашинув дастурларида, юқори даражадаги кўрик-танлов ва фестивалларда иштирок қилишини ташкил этишга қаратилган. Ҳомийлик маблағлари ҳисобидан қисқа вақт ичида йигирмага яқин ўқув адабиётлари ва учта монография нашр этилди.

**— Кадрлар тайёрлаш жараёнидаги янгиликлар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Академиянинг илмий-педагог кадрлари таркибини катта тажриба тўплаган, шунингдек, хорижий илмий муассасаларда малака ошириб келган юқори савияли профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, соҳанинг етук мутахассислари орасидан шакллантириш чоралари кўрилмоқда. Республикадаги мавжуд болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларга моҳир рақс усталарини бириктириш орқали “устоз-шогирд” тизими йўлга қўйиляпти. Хориждаги турдош олий таълим муассасалари, хусусан, Москва давлат хореография академияси, А.Я.Ваганова номидаги Рус балети академияси, Қозоғистон миллий рақс академияси, Беларусь давлат маданият ва санъат университети билан ҳамкорликда “Хореография санъати” ва “Санъатшунослик” таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларининг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Натижада бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича фанлардан назарий ҳамда амалий машғулотлар янги мавзулар билан бойитилди.

Кредит-модуль тизимини таълим жараёнига татбиқ этиш мақсадида Қозоғистон миллий рақс академияси тажрибаси ўрганилди. Айни пайтда ушбу тизимни академиямизда амалиётга жорий қилиш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда. Ўқитилаётган ҳар бир фан бўйича ўқув-услубий материалларни такомиллаштириш, тақдимотларни тайёрлаш ҳамда хорижий адабиётларда келтирилган янгиликлар билан узвийликни таъминлаш ва бойитишга қаратилган масалалар кўриб чиқилди.

**— Бошланаётган янги ўқув йилида академия талабаларини қандай янгиликлар кутмоқда?**

— Соҳа келажагини янада такомиллаштириш мақсадида ҳамда ёшларнинг талаб-истакларини инобатга олиб, академияда янги — “Замонавий рақс” бакалавриат таълим йўналиши ташкил этилди ва 2020 — 2021 ўқув йили учун қабул эълон қилинди.

Маданият вазирлиги тасарруфидаги барча мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактабларда, Болалар мусиқа ва санъат мактабларида, Маданият марказларида ҳамда мактабларда “Хореография” йўналишидаги гуруҳларда академия профессор-ўқитувчилари, магистрлари, талабалари томонидан ижодий учрашувлар ва “Маҳорат дарслари” олиб борилиши йўлга қўйилди.

Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари билан биргаликда Президентимизнинг беш муҳим ташаббусини академия ва мактаб-интернатларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Хусусан, академия ва мактаб-интернатларнинг профессор-ўқитувчилари, талабалари ва ўқувчилари ижодий фаоллигини янада ошириш, таътил давомида уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш учун Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида 50 ўринли оромгоҳ барпо қилинишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

2021–2022 ўқув йилидан бошлаб академия ҳузурида Бухоро, Қарши, Наманган ва Урганч шаҳарларида ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари ташкил этилади.

**Дилноза АТОЕВА**
**суҳбатлашди**

ОЙДИННИСО

# МЕНМАН ЮРАГИНГГА ҲАММАДАН ЯҚИН



* * *

Тушунаман ҳаммадан кўпроқ,
Тушунаман ҳаммани, бироқ,
Тушунмайман ўзимни зинҳор.
Ўзимгача йўл жуда йироқ,
Менга мени тушунтир, эй ёр!

Ўйламасам, фақат ҳис этсам,
Бошдан оёқ ҳис бўлиб кетсам,
Бари гўзал! Мислсиз гўзал!
Ўйлаб қўйсам, изласам ечим,
Даҳшат-ку бу тақдири азал!

Баландми, паст мен ошган ҳадлар,
Ҳадми ўзи пасту баландлар?
Менга мени тушунтириб бер!
Йўлдан чиқдим, чиққан менми ё
Сиғиб бўлмас қадар торми ер?

Ҳаётимда кемтикларим кўп,
Аскар ўғил меҳр-ла тишлаб,
Қўлга тутган қадрли нондай –
Кемтикларим ҳаётимда кўп.
Шонсизликни асрайман шондай.

Деразамга ўзин урар қуш,
Ўзин уриб йиқилар беҳуш.
Қушнинг жони оғришин эмас,
Шунчаки бир қушлигин ўйлаб,
Боқиб қўйдим оламга беҳис.
Менга мени тушунтириб бер,
Юлдузимда жимирлар не сир?
Кўргуликлар истарлар нени –
Тобора мен боймиё фақир?
Эй дўст, менга тушунтир мени!

* * *

Менман ҳаётингда чақнаган чақин,
Менман лабларингда бир ҳалол бўса.
Менман юрагингга ҳаммадан яқин,
Сенда илдиз отган шодлигу ғусса.

Менман ўқдан ҳуркиб қочган қуш каби
Қочган уйқуларинг ўрнида ётган.
Манзилинг ҳам менман –
учган ҳуш каби
Бекатларда дайдиб, адашиб топган.

Менман ютган юрак, ютилган юрак,
Энг буюк савобинг, энг буюк хато
Ва менман тап тортиб айтилган тилак,
Айтмай қўйганинг ҳам
тап тортмай ҳатто.

Менман оғриқ жойга дўстона туртиб,
Гоҳ яра, гоҳида малҳамга дўнган.
Менман орзуларинг – ушалиб туриб,
Юрагингга яна орзудай тўлган.

Менман-ку бугунинг, эртанги кунинг,
Мазмунда аввалу саноқда охир.
Нега мен эмасман ватанинг сенинг,
Нега ишонганинг мен эмас, ахир?

* * *

Ранжима!
Тонг эмас, кун эмас, нақ ярим тунда
Кўксимда қуёшдай чарақлаб ёндинг,
Иситдинг, ёритдинг, қувондинг.
Ярим тун бехосдан уйғонган кўнглим,
Қоронғи кунларга кўниккан умрим
Кўзлари қамашиб боқдилар сенга...

Ранжима!
Табиб эмас, табиб вақт эмас, ўзим
Ўз ярамни кун-тун ялаб тузатдим,
Баъзан қопқонларда бўридай ётдим,
Ғажиб узиб қочдим баъзан юракни,
Юрак, деб кўтардим турли эрмакни...
Ёрилиб кетмасми бу бахтдан кўксим!

Ранжима!
Базмларда эмас, байрамда эмас,
Энг оддий кунларнинг бирида
Шаробдай қуйилдинг дилимга.
Ҳуд-беҳуд бу жоним танамдан тошди,
Мастликда энг баланд ҳадлардан ошди,
Энг сўнгги томчим ҳам баданда эмас!

Ранжима...

* * *

Юрагимга кирдинг орзудай сирли,
Изингни беркитиб туришди қорлар,
Қай йўлдан
қайларга чекинди, билмам,
Дилимни силаган орзу-хаёллар.

Кўзларимга тўлдинг кўзёшдай тоза,
Буткул ғойиб бўлди бир гуноҳ ҳисси –
Гарчи димоғларни ачитди роса,
Айб каби таралган
бахт иси.

Озод одамларга қилса-да ҳамла
Қафасларни ёриб чиққан тутқунлик,
Лабларимга тотли бир бўса
ҳамда
Озод кулги каби қўндинг, бутунлик.

Гарчи димоғимга келади босиб
Ўтмишда узганинг турфа гулларнинг
Қочиб улгурмаган турфа хил иси,
Дунёда энг сўлим гўша –
қўлларинг.

Дунёнинг энг бахтли жойи бағрингдир,
Кирдим тонгдай отиб, кундай ботишга.
Розиман, аввалим,
розиман ахир,
Бағрингда то охир йиғлаб ётишга.

* * *

Мен сенинг кимингман?
Байрам кунингман.
Эгизак кунларнинг униққан юзин,
Ҳар тонг бир манзилга
шошилган изинг,
Ҳар кеч бирдай мажҳул,
ҳорғин нафасинг,
Бир тўйиб ухлашдай ночор ҳавасинг –
Баридан бир муддат чекинмоқ учун,
Ва бир дам аслингга бекинмоқ учун,
Янгиламоқ учун бир дам ўзингни,
Тақдирламоқ учун
саркаш кўнглингни –
Соғиниб қоласан байрам кунингни!

Мен сенинг кимингман?
Байрам кунингман.
Шом олди баттарроқ қиздирган қуёш
Оламни равшанроқ этганидай фош,
Ушбу кун умрбод ботмасдай гўё,
Омонат эмасдай бу зиё,
Байрамнинг эртаси борлигин билмай,
Янги ковуш кийган кунга йўл бермай,
Бахтли қадамингга қадаб кўзимни,
Келар йўлларингга тўшаб ўзимни,
Боримча бахтиёр яшайман кунни!

Сен менинг кимимсан?
Ҳар бир кунимсан,
Ҳар лаҳзам, ҳар оним,
ҳар бир нафасим,
Ҳатто жимлигимда янграган сасим!
Баъзан тирикликдан тин олмоқ учун,
Бошқа одамлардай жим қолмоқ учун,
Ё олам шивирин тинглаб кўргани,
Қовжираётган барг ғамин егани,
Сенга тўлиб кетган дунёни суриб,
Келар кунларингни соғиниб туриб,
Яшамайин тургим келади сени!

## Сени унутаман

Қалбидан оловни ирғитиб Қақнус –
Дўзах ўтида ҳам совқотиб беҳис –
Баттарроқ оташга кўз тиккан каби;
Қайноқ бўсаларнинг қайноқ тафтини,
Ўз кулидан қайта тўраш бахтини
Жаннатни билмасдек унутган каби –
Сенга боқиб туриб совуқ ва беор –
Сени унутаман!

Қўшсанг, айирсанг-да жавоби бир хил,
Ёлғиз қолдирсанг-да жавоби бир хил –
Нолнинг сонлигини унутган каби;
Армонлар ортига ирғитилган нол –
1 армоним 10га дўндириб, алҳол
Ҳамон унутликка юз тутган каби
Дилга боқиб туриб хумор ва хумор
Сени унутаман!

Сенинг ила қайта яралганимдек,
Яраламан энди сенингсиз ҳам тик
Шишакўз ва қалбсиз қўғирчоқ каби;
"Мени унут" деган тилларинг ила,
Хайрга силкинган қўлларинг ила
мурвати буралган ўйинчоқ каби
оламга ҳайқиргум такрор ва такрор:
"Сени унутаман!"

Танамда жон борлигини унутган каби
Сени унутаман!

## Яна

Яна кўрдим сени, яна мен ўша,
Яна оёғимда тебранади жон.
Яна дунёларга бўлди томоша
Менинг қиёфамни кийган ҳаяжон.

Яна кўрдим сени, яна мен сенсиз,
Яна дунё билан орамиз очиқ.
Яна мен ҳаммадан қилдим танаффус,
Яна фақат сендан бунёд қорачиқ.

Яна кўрдим сени, мен тирик одам –
Ўлимдан кейин ҳам ўлмас юраги.
Буткул ғариб бўлиб туйилган олам
Яна бой, ушалган барча тилаги.

Яна кўрдим сени, ўзгаси сохта,
Яна бахт юракда энг азиз меҳмон.
Яна ҳайкал қўйиб лаҳзалик бахтга
Мен унинг пойида саргардон.

Яна кўрдим сени, яна мен – менми?
Яна тирилдию таралди бир зум
Курашларда қўлга киритганиму
Яна қўлларимда жон берган орзум.

Яна кўрдим сени, яна мен ёмон,
Яна тартиббузар, тийиқсиз юрак.
Яна англадимки, дунёда ҳамон
Сен кераксан менга, яна сен керак!

Яна кўрдим сени, яна чалкаш йўл,
Яна кулган мену табассум сенда,
Йиғлаган менману сенинг дилинг хўл,
Яна биз кўриша олмас очунда.

Яна кўрдим сени, яна мен ўша –
Ҳар отими ортга чекинган қадам,
Яна ҳаётингнинг ичкарисида,
Яна ҳаётингдан ташқари одам.

ҚУТЛАЙМИЗ

# Чизгилар умри ва умр чизгилари

*Таниқли рассом Ҳусан Содиқовнинг қирқ йилдан зиёд ижодий фаолияти бевосита "Муштум" журнали билан боғлиқ. Бўлажак рассом мактабда ўқиб юрган давридаёқ шу улуғ даргоҳга чизган расмларини кўтариб келиб, Алижон Холиқов, Наримон Иброҳимов, Эмиль Рўзибоев, Давид Синицский, Борис Жуков каби устоз рассомлар билан танишганини кечагидек эслайди.*

Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг бадиий графика факультетида ўқиб юрган давридаёқ "Муштум" журналининг фаол рассоми сифатида танилган ижодкор кўплаб босма нашриётлар, нашрлар, жумладан, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси билан ҳамкорлик қила бошлади. Унинг айтишича, ўзига хос ижодкор раҳматли Алижон Холиқовнинг услуби унинг ўз дастхатини топишига туртки берган. Дарҳақиқат, бугун Ҳ.Содиқовнинг асарларини бир қарашда танишади. Битта чизиқдан иборат образлар, асарлардаги эркинлик ва пластика унинг ўз ишининг устаси эканидан далолат беради. Рассом ўткир сатира орқали порахўрлик, коррупция, маънавий қашшоқлик, ичкиликбозлик, лоқайдлик, манманлик, дабдабабозлик, исрофгарчилик каби иллатларни фош этади. Синчиклаб қаралса, у яратган образлар гўё ҳаракат қилаётгандай, гапираётгандай таассурот уйғотади. Буларнинг ҳаммаси кузатувчанлик, оддий халқ дардини яхши англаш ва профессионал тажриба натижасидир.

Рассом ижоди серқирралиги билан ажралиб туради. У плакат асарлари билан ўтган асрнинг саксонинчи йилларидаёқ халқаро танловларда ғолиб бўлган. Шунингдек, шеърий ва насрий асарларга чизган расмлари, безаган муқовалари кўпчиликка манзур. Айниқса, болаларга атаб чизган расмлари ўзбек ва бошқа халқлар эртак китобларини мазмунан бойитган. Рассом бир неча йил Корея Республикасида яшаб ижод қилди, ўзбек халқ эртакларини рус, араб ва инглиз тилларига таржима қилдириб, китобларни жозибали расмлар билан безаб чоп эттирди. Бу китоблар қайта-қайта нашр этилиб, Ўзбекистондан совға сифатида олиб кетилади, мартабали меҳмонларга тақдим этилади.



Ижодкорнинг чизгиларида миллий колорит, муҳит, ўзбекона файз сезилиб туради. Қани энди мультипликаторларимиз бу ижодкорнинг асарларига жиддий эътибор қаратиб, улардан унумли фойдалансалар, болаларимиз учун қувноқ, миллий колоритга бой анимацион фильмлар кўпаярди. Рассом "Зумрад ва Қиммат" "Ур, тўқмоқ" каби эртак қаҳрамонлари иллюстрацияларини алоҳида меҳр билан ишлаган. "Чет элларда бўлганимда, — дейди рассом, — албатта, болалар адабиёти билан қизиқаман, китоб дўконлари, кутубхоналардаги болалар учун чиқарилган китобларни томоша қиламан. Ниҳоятда сифатли ва ранг-баранг китоблар мени мафтун этади. Шуларни кўриб, бизнинг болаларга ҳам шундай китобларни тақдим этиш керак, деган ўйда миллий эртакларимизни оммалаштиришга қарор қилдим. Эртакларимизни таржима қилдириб, расмларни эринмай, болаларбоп қилиб чизишга куч ва вақт сарфладим".



Ҳусан аканинг шогирдлари кўп, мен ҳам у кишини устоз қаторида кўраман. Рассом қўлдан келганча шогирдларига ёрдам қўлини чўзади. Хорижий ва маҳаллий сафарларда, кўргазмаларда, телекўрсатувларда кўп бор бирга бўлдик. Айниқса, АҚШдаги халқаро ҳажвчи рассомлар конференцияси, кўргазмаси, Конгресс кутубхонасига ташрифларимиз, АҚШ санъат мактабларида, университетларидаги учрашувларимиз, Нью-Йоркдаги машҳур "Гугенхейм" музейи ва Вашингтондаги "Миллий галерея"га ташрифларимиз жуда сермазмун бўлди. Бу учрашувларда ҳам устоз мезбонлар ва меҳмонларнинг шаржларини бир зумда чизиб, ҳамманинг олқишига сазовор бўлди. Унинг Сан-Францискодаги машҳур болалар нафис санъат мактабида юртимиз ҳақида қилган кўргазмали чиқиши, болалар учун ўтган маҳорат дарсидан таъсирланган 12-13 ёшлардаги америкалик қизча кутилмаганда саҳнага чиқиб, "Энди ўзбек тилини ўрганаман, Ўзбекистонни севиб қолдим", дегани ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди.

Устоз рассомни қутлуғ 60 ёши билан қутлаб, илҳом тулпорингизнинг қанотлари парвоздан толиқмасин, деймиз.

**Шавкат МУЗАФФАР,**
**Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси аъзоси**

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШРЛАР

## "Жаҳон адабиёти"

### 2020 йил июль сони

Улкан инсоний драмалар акс этган, теран руҳий таҳлилга асосланган, жаҳон адабиёти тарихида мумтоз роман сифатида тан олинган Фёдор Достоевскийнинг "Ака-ука Карамазовлар" асари таржимасининг якуний қисми журналнинг ушбу сонида босилган. Бу роман таржимаси Иброҳим Ғафуров томонидан амалга оширилиб, журнал саҳифаларида 2018 йилдан эълон қилиб келинаётган эди.




Шарқ мумтоз адабиёти дурдоналаридан Ҳофиз Шерозийнинг бир туркум ғазали ҳам журналнинг ушбу сонида ўқувчиларга тақдим этилган. Ғазалларни форс тилидан Ошиқ Эркин ўгирган.

"Муҳаррир минбари" рукнида берилган "Ўткан кунлар"нинг ўтмаган тили" номли таҳлилий мақола муаллифи атоқли адиб Абдулла Қодирийнинг адабий тилдан юксак маҳорат билан фойдаланганини кўрсатиш орқали ўзбек тилининг нақадар бой ва гўзал эканини таъкидлайди. "Ўткан кунлар"нинг ўтмаган тили" деганда бу машҳур асар воқелиги ўтган асрда қолиб кетган бўлса-да, тили қолиб кетгани йўқ, у бугун ҳам бор жилоси билан яшамоқда, миллий адабиётимиз, бадиий тафаккуримиз ривожига хизмат қилмоқда, демоқчиман", деб ёзади А.Мелибоев.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида Ш.Бронтенинг "Жейн Эйр" романи ва Л.Кэрроллнинг "Алиса кўзгу орти ўлкасида" эртагининг давомини ўқийсиз.

ОГОҲЛИК

## ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Турмушимизда электр иситиш жиҳозларидан кенг фойдаланилади. Куз, қиш мавсумларида эса уларга эҳтиёж янада ортади. Ёнғинга қарши кураш, хавфдан доимо огоҳ бўлиш ҳар биримизнинг бурчимизга айланмоғи лозим. Акс ҳолда, озгина эътиборсизлик туфайли содир бўлган ёнғин нафақат оилага, давлатга моддий талафот, балки инсон ҳаётига ҳам катта хавф солади.

Нохуш ҳолатлар рўй бермаслиги учун газ плитаси ўрнатилган хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш, газ, кўмир ёқиладиган иситиш мосламаларининг мўрилари тозалигига эътибор қаратиш лозим. Кимёвий моддалар, каучук ва пластмассадан ясалган буюмлар тез ёнишидан ташқари, зарарли моддалар чиқариши билан ҳам хавфли. Қиш мавсумида нафақат иншоотлар, идора ва ташкилотлар, балки хонадонларда ҳам ёнғин содир бўлишининг олдини олиш мақсадида зарур чораларни кўриш фойдадан холи бўлмайди. Яъни электр симлари, иситиш тармоқлари обдон текширилиб, носоз жойлари таъмирланиши, бирламчи ўт ўчириш воситалари жамланган стендлар ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбошимчалик билан электр симларини улаш ҳам хавфли эканлигини унутмаслик даркор. Ҳозирги пайтда ёнғинга қарши кураш, унинг олдини олишда ёнғин хавфи ҳақида зудлик билан огоҳ этувчи хабарлаш воситалари, назорат мосламалари муҳим аҳамият касб этади. Бу мосламаларни ўрнатиш орқали ёнғин туфайли келиб чиқадиган нохуш ҳолатларнинг олди олинади.

**Абдуҳамит АДИЛОВ, Нозим ЮСУПОВ, Нурмахон ЭРМЕКОВ,**
**ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари**

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси театр директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист

**Фатхулла МАЪСУДОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Ҳамкоримиз: imzo akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5030. Буюртма Г - 955.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.45.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42* *Санъат бўлими: 233-56-40* *Назм ва наср бўлими: 233-58-60*